

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

ЮСУПОВ ШЕРЗОД ШЕРАЛИЕВИЧ

**АУДИТОРЛАР ВА БОЖХОНА БРОКЕРЛАРИНИНГ КАСБИЙ
ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

5A231201 – Суғурта иши

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент Ваҳобов А.Р.

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА		
	Кириш	3
I боб.	Касбий жавобгарлик ва уни суғурталашнинг назарий-методологик асослари	9
1.	Касбий жавобгарликни суғурта қилишнинг назарий асослари.....	9
2	Касбий жавобгарликни суғурталашнинг зарурлиги ва аҳамияти...	14
	I боб бўйича хулоса	20
II боб.	Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашнинг ҳозирги ҳолати ва унинг таҳлили	21
1.	Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашда шартномаларни тузиш механизми.....	21
2.	Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашда томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш амалиётининг таҳлили.....	31
	II боб бўйича хулоса	42
III боб.	Аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталашни такомиллаштириш йўллари.	42
1.	Божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғуртаси ва уни ривожлантириш йўллари.....	42
2.	Аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталашда даъволарни кўриб чиқиш амалиётини такомиллаштириш.....	55
	III боб бўйича хулоса	65
	Хулоса	67
	Адабиётлар рўйхати	71

Кириш

Магистрлик диссертация иши мавзусининг долзарблиги.

Ўзбекистон суғурта соҳасида рўй бераётган кенг кўламли ислохотлар, аввало, аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Юксак даражада кўрсатилган суғурта хизматлари – соҳани тараққий этишида муҳим аҳамиятга эгадир. 2013 йил 18 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президент И.Каримов шундай деган эдилар: «авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.»¹. Бу, ўз навбатида, суғурта соҳасининг ҳам барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда, деб таъкидлашга барча асослар мавжуд. Қаранг, 2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон суғурта ташкилотлари томонидан жами 285,9 млрд.сўм миқдорида суғурта мукофотлари келиб тушган. Бу ўтган йил кўрсаткичидан 22,4 фоизга кўп демакдир. Президент И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида “Жаҳон иқтисодий инқирози кучайиб бораётган ҳозирги шароитда банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатдан яхшилаш алоҳида

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

муҳим аҳамият касб этади¹”, деб таъкидлаб ўтганлар. Бу жумлаларнинг суғурта фаолияти учун ҳам муҳимлигини исботлашга ўрин йўқ.

Дарҳақиқат, суғурта юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ ҳамда шахсий манфаатларини ҳимоя этишнинг ишончли воситасидир. Иқтисодийни бозор муносабатларига ўтказилиши эса янги суғурта хизматига бўлган талабни шакллантиришга олиб келди.

Ана шундай янги суғурта турларидан бири – жавобгарликни суғурта қилишдир. Ривожланган мамлакатларда жавобгарликни суғурталаш соҳасида катта тажриба тўпланган бўлсада, бу суғурта тури, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётганлигига энди 22 йил бўлди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда касбий жавобгарликка нисбатан фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси ривожланган. Айрим тоифадаги шахсларнинг, масалан, аудиторлар, божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғуртаси “Ўзбекинвест”, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” суғурта ташкилотлари томонидан ўтказилиб келинаётганлигига қарамасдан, мамлакатимизда касбий жавобгарликни суғуртаси бўйича ўз ечимини кутаётган талай муаммолар мавжуд. Хусусан, аудиторлар касбий жавобгарлигини суғурталашда қўлланиладиган суғурта тариф ставкалари илмий асосланмаган, божхона брокерларининг касбий жавобгарлиги суғурталаш бўйича даъволарни кўриб чиқиш технологиясини такомиллаштиришга зарурат пайдо бўлмоқда. Баён этилганлар биз танлаган мавзуни долзарб эканлигидан далолат беради.

Магистрлик диссертация иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Жавобгарлигини суғурталаш, жумладан касбий жавобгарликни суғурталаш юзасидан проф.Л.И.Рейтман, проф.А.П.Мотылев, проф.С.Т.Райхерлар муайян илмий ишларни амалга оширишган. Ватанимизда бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари профессор Собиров Х, и.ф.д Имомов Ш.Б., и.ф.н., доц. Шеннаев Х., тадқиқотчи Ашрафхонов

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари./ - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 27-28 бетлар.

Б.лар томонидан амалга оширилган. Аммо, ушбу мавзу мустақил илмий-тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Магистрлик диссертация ишининг мақсади. Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади мамлакатимизда аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурта қилишда тўпланган тажрибани умумлаштириш ва шу асосда уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертация ишининг вазифалари. Магистрлик диссертация иши олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- касбий жавобгарлик тушунчасига таъриф бериш;
- касбий жавобгарликни суғурталашнинг зарурлигини илмий жиҳатдан асослаш;
- касбий жавобгарликни суғурталашнинг аҳамиятини кўрсатиш;
- аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашда шартнома тузиш тартибини ўрганиш ва таҳлил этиш;
- аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини аниқлаш;
- аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғуртаси бўйича суғурта тарифи ва суммасини аниқлаш;
- божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғуртаси бўйича муаммоларни ўрганиш ва уни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертация ишининг предмети. Ушбу магистрлик диссертация ишининг предмети бўлиб, аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш юзасидан манфаатдор томонлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

Магистрлик диссертация ишининг объекти. Суғурта ташкилотларнинг аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий

жавобгарлигини суғурталаш юзасидан олиб борадиган фаолияти ушбу магистрлик диссертация ишининг объекти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Магистрлик диссертация ишида аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталашнинг замонавий ҳолати асосий илмий масала сифатида қаралади. Тадқиқот ишида аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш масалалари илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилади. Фикримизча, Ўзбекистонда аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталашни талаб даражасида ва самарали йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг иқтисодиёт соҳасидаги асарлари, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, шу жумладан суғурта соҳаси бўйича қабул қилинган Президент фармонлари, қонунчилик ҳужжатлари, хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг суғурта йўналиши бўйича эълон қилган илмий мақолалари ва монографиялари ушбу магистрлик диссертация ишини ёзишда дастурамал вазифасини бажарди. Шунингдек тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва йирик суғурта компанияларининг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган услублар. Илмий изланишни амалга оширишда фанда маълум бўлган илмий-тадқиқотларни олиб бориш услубларидан фойдаланилди. Чунончи, рақамларни гуруҳлаш асосида маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усули, тизимли баҳолаш, фикрларни мантиқий таҳлили ва маълумотларни таққослама таҳлил этиш, илмий кетма-кетликни таъминлаш услублари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш юзасидан муҳим назарий хулосалар чиқарилган. Мазкур хулосалар суғуртанинг назарий – илмий асосларини бойитиш имкониятини беради. Бундан ташқари, аудиторлар ва божхона

брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталашни халқаро талаблар асосида такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни катта амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотни амалга ошириш натижасида қуйидаги илмий янгиликлар олинди:

- аудиторларнинг касбий жавобгарлик суғуртаси буйича тариф ставкаларини белгилашда аудиторларнинг маълумоти, амалий тажрибаси ва иш стажини ҳисобга олиш таклиф этилди;

- Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш мақсадида аудиторларда касбий жавобгарликни суғурта қилдирганлик тўғрисида суғурта полиси бўлган тақдирда, уларни Аудиторлар палатасига аъзо бўлишларини йўлга қўйиш таклиф этилди;

- божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш буйича меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланди;

- божхона брокерининг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича суғурта суммаси миқдорини камида энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробар миқдорида белгилаш таклиф этилди;

- божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича тариф ставкаларини эҳтимоллар назарияси, математик статистика ва актуар ҳисоб-китобларга таянган ҳолда ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Магистрлик диссертация ишининг таркиби ва ҳажми. Магистрлик диссертация иши кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг кириш қисмида танланган илмий иш мавзусининг долзарблиги асосланган ҳамда ишнинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган. Тадқиқот ишининг биринчи бобида касбий жавобгарликни суғурталашнинг моҳияти ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, ушбу бобда касбий жавобгарликни суғурталашнинг турлари келтирилган. Магистрлик диссертация ишининг иккинчи бобида Ўзбекистонда аудиторларнинг касбий жавобгарлигини

суғурталашнинг замонавий ҳолати таҳлил этилган. Хусусан, аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашнинг шартлари, суғурта суммасини аниқлаш тартиби ва тариф ставкаларини белгилаш масалалари атрофлича тадқиқ этилган. Диссертация ишининг учинчи бобида божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш тартиби таҳлил этилган ҳамда суғурта ҳодисалари содир бўлганда томонлар ўртасида юзага келадиган эътирозларни тартибга солиш ишлари қараб чиқилган. Тадқиқот ишининг хулоса қисмида ишни ёзиш натижасида шакллантирилган хулосалар ҳамда таклифлар илгари сурилган.

Ишнинг ҳажми 76 бетни ташкил этади.

I боб. Касбий жавобгарлик ва уни суғурталашнинг назарий-методологик асослари

1. Касбий жавобгарликни суғурта қилишнинг назарий асослари

Касбий жавобгарликни суғурта қилиш жавобгарликни суғурта қилишнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, касбий жавобгарликни суғурта қилишнинг назарий асослари суғуртанинг назарий асослари билан ҳамбарчас бўлиқ. Шу туфайли, ушбу параграфда суғуртанинг назарий асосларига батафсил тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Суғурта мустақил иқтисодий категория сифатида пул муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутди. У молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан ҳамбарчас бўлиқдир. Молия ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида вужудга келадиган мақсадли пул фондларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш билан бўлиқ пул муносабатларини ифодаласа, кредит – аҳоли, корхона ва ташкилотлар ихтиёридаги вақтинча бўш турган маблағларни жалб этиш ва ундан фойдаланиш билан бўлиқ пул муносабатлари йиғиндисидир. Суғурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий, стихияли ҳодисалар рўй бериши натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш билан бўлиқ мақсадли пул фондларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йиғиндисидир.

Суғуртанинг иқтисодий моҳиятини тегиз равиш билан аниқлаш учун унга хос бўлган, яъни суғуртани иқтисодий категория сифатидаги фундаментал принципларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Суғурта иқтисодий категория сифатида қуйидаги принципларга асосланади:

- Суғурта рискининг мавжудлиги. Риск бўлмаса суғурталашга ҳожат қолмайди. Риск – суғуртавий пул муносабатларининг асосини ташкил этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ва фуқароларнинг ҳаётига турли рисклар доимо таъсир кўрсатиб турадики, бу ўз навбатида ушбу рискларни

рўй бериши натижасида юзага келадиган эҳтимол тутилган зарарлардан химояланиш заруриятини келтириб чиқаради. Рискларнинг юз бериши тасодифийлик характериға эға ва у инсон онгига боғлиқ бўлмайди.

- Суғурта муносабатларининг қайта тақсимлаш характериға эға эканлиги.

Ҳап шундаки, суғурта иқтисодий категорияси ёрдамида корхоналар ва аҳоли даромадларининг бир қисми қайта тақсимланади. Молия категориясидан фарқли улароқ, суғурта ялпи ички маҳсулотни бирламчи тақсимланишида иштирок этмайди, балки иккиламчи тақсимланишида иштирок этади. Корхоналар ва аҳоли даромадлари бир қисмини қайта тақсимланиши натижасида қатъий мақсадли йўналишда фойдаланиладиган суғурта фонди шаклланади. Бу хусусият суғуртани молия категорияси тушунчасига мос келишини билдиради.

- Зарарларни муайян макон ва замонда тақсимланиши. Зарарларни ҳудудлараро тақсимлаш объектларни суғуртаға олиш етарли даражада қамраб олинганда рўй беради. Зарарларни маълум бир вақтда тақсимлаш суғурта ҳодисаларнинг нотекис содир бўлиши билан тушунтирилади. Ҳақиқатан ҳам бир пайтда барча объектларни ўз ичига олувчи суғурта ҳодисаси юз бериши амри маҳол. Тажрибанинг кўрсатишича, суғурта ҳодисалари муайян бир даврда рўй бермаслиги, аммо бошқа йили рўй бериши мумкин. Шунинг учун, суғурта ташкилотлари ўз зиммаларига олинган мажбуриятларни бажариш мақсадида етарли миқдорда суғурта фондига эға бўлиши даркор.

- Суғурта мукофотларининг қайтарилиш характериға эға эканлиги. Суғурта мукофотлари ҳисобидан шаклланган суғурта фондидаги маблағлар фақат суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталанувчига қайтарилиб берилади. Суғуртанинг иқтисодий моҳиятини англатувчи бу принцип суғуртани иқтисодий категория сифатида кредит тушунчасига яқинлаштиради. Кредитнинг асосий принципларидан бири - ажратилган кредитларнинг ўз вақтида банкка қайтарилишидир.

Юқорида баён этилган принциплар жамламаси суғуртанинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятини очиқ беради.

Суғурта хизматлари ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалга оширилади. Ихтиёрий суғурта турлари бўйича хизматлар жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг розилиги билан кўрсатилади. Ихтиёрий суғурта турларига юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки суғуртасини, транспорт воситалари суғуртаси, ҳаёт суғуртаси, молиявий ва тадбиркорлик рисклари суғуртасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ихтиёрий суғуртадан фарқли равишда мажбурий суғурта конунчилик ҳужжатларига асосан ўтказилади ва бунда кўрсатилган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаати уларнинг иродасидан қатъий назар мажбурий ўтказилади. Масалан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси мажбурий шаклда амалга оширилади. Бундан ташқари, умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, автомобиль транспортидаги йўловчиларнинг ҳаёти ҳам мажбурий суғурта қилинади. Шу ерда алоҳида таъкидлаш зарурки, мажбурий суғурта турлари билан бир қаторда мажбурий давлат суғурта турлари ҳам мавжуд. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари ҳаёти бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурта қилинадилар. Шунингдек, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ходимларининг ҳаёти ҳам мажбурий давлат суғуртасига олинадилар. Мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта хизмат ҳақлари – суғурта мукофотлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритар эканмиз, суғуртанинг мақсад ва вазифалари мустақиллик йилларида том маънода ўзгарганлигини таъкидлаш жоиз.

Шу ерда эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Фармонига мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар ҳамма суғурта ташкилотлари, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод этилди¹. Фармонда кўрсатилганидек, солиққа тортишдан бўшаб қолган пул маблағлари биринчи навбатда суғурта ташкилотларини моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланди. Шунингдек, ушбу пул маблағлари минтакаларда суғурта агентликлари тармоқларини кенгайтиришга, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга сарфланди.

Йирик суғурта ташкилотлари сифатида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияларини келтириш мумкин. Мамлакатимизда хорижий капитал иштирокидаги суғурта ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатаёпти. Улар қаторига “Chartis Uzbekistan” ўзбек-америка суғурта компанияси, “TEMIRYO’L – SUG’URTA” суғурта компаниясини киритиш мумкин.

Касбий жавобгарликни суғурталаш - иш фаолиятида хато ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли зарар етказиши мумкин бўлган маълум касбдаги (шифокорлар, адвокатлар, ҳисобчилар, архитекторлар ва бошқа касб вакиллари) одамлар учун масъулиятни суғурталаш туридир. Суғурта қопламаси фақат юридик масъулиятга тегишли бўлиб, бунга маънавий зарарлар кирмайди. Касбий масъулиятни суғурталашда суғурталанувчи ўз касбий мажбуриятларини малакали амалга ошириши назарда тутилади.

Суғурта аниқ ҳодисага қаратилмай суғурта шартномаси амал қиладиган давр мобайнида кучга эга бўлади. Бунда суғурталанувчининг юридик даъвога олиб келган, унинг иш фаолияти билан боғлиқ ҳаракатлари шартнома амал қилиш муддатида содир бўлиб, даъво эса кейин амалга оширилган бўлса, бундай қалтисликлар суғурта билан қопланади. Кўпгина давлатларда касбий масъулиятни суғурталаш полисининг бўлиши қатор касблар бўйича хусусий амалиётни амалга

ошириш мақсадида лицензия олиш учун зарурдир. «Ўзбекинвест» қўйидаги шахсларнинг касбий масъулиятини амалга ошириш билан учинчи шахсларга етказилган зарарни қоплаб беради:

- божхона брокерилар;
- аудиторлар;
- авто юк ташувчилар ва юк экспедиторлари;
- шифокорлар ва бошқа тиббиёт ходимлари;
- божхона брокерлари ва юк ташувчилар;
- юристлар;
- бошқа касб эгалари.

Ушбу суғурта турида масъулиятнинг асоси бўлиб аниқ жисмоний шахснинг иш фаолияти ҳисобланади. Қонуний асос бўлиб масъулият ва мажбуриятларни бузганлик учун масъулият асослари бўйича фуқаролик қонунчилиги ҳисобланади.

Касбий масъулиятни суғурталашни умумий фуқаролик масъулиятидан фарқлаш лозим. Чунки бу ҳолда суғурта полисида кўрсатилган иш фаолиятини амалга оширишда йўл қўйилган хатолар натижасида қонуний белгиланган масъулият суғурталанади.

Касбий масъулиятни суғурталашда зарар етказилиши воқеаси эмас, балки қонунбузарлик (хато) суғурта ҳодисаси ҳисобланади. Суғурта тўловларининг миқдорини аниқлашда ҳар бир суғурталанаётган касбнинг ўзига хос томонлари ҳисобга олинади. Бироқ суғурта тўловларининг миқдорини белгилаш бўйича умумий мезонлар ҳам мавжуд: маълум давр мобайнидаги фаолияти тўғрисида маълумот, молиявий низомлар, иш муддатлари, штатдаги ходимлар таркиби ва сони, суғурталанувчига хизмат кўрсатувчи банк маслаҳатлари, касаба уюшмаси маслаҳатлари.


2. Касбий жавобгарликни суғуртасининг зарурлиги ва аҳамияти

Касбий жавобгарликни суғурталаш суғурта қилувчининг суғурта объектига келтирилган зарарни тўлиқ ёки қисман қоплаш микдорида суғурта тўловлари бўйича мажбуриятларни кўзда тутувчи суғурта турларини ифода этади.

Бунда жисмоний шахснинг мулк манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади. Ушбу объектни суғурта қилиш тўғрисида фуқаролик қонунчилиги томонидан белгиланган тартибда жисмоний шахснинг учинчи шахс томонидан суғурталанган касбий фаолиятни амалга ошириш муносабати билан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятлари билан боғлиқ суғурта шартномаси тузилади. Касбий фаолиятга талаблар ва уни амалга ошириш тартиби тегишли қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар томонидан белгиланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш касбий фаолиятни амалга оширишда учинчи шахсга зарар етказиши мумкин бўлган турли шахслар тоифаларининг мулк манфаатларини суғурта қилиш турларини бирлаштиради. Кўпинча шифокорлар, божхона брокерилар, баҳоловчилар, экспертлар, қўриқчилар, адвокатлар ва бошқаларнинг касбий жавобгарликни суғурта қилинади.

Биз юқорида фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш билан бир қаторда касбий жавобгарликни ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаган эдик. Касбий жавобгарлик суғуртасини умумфуқаро жавобгарлигини суғуртасидан фарқлаш лозим. Бунда фақатгина жисмоний шахсларнинг – врачларнинг, аудиторларнинг, божхона брокериларнинг ва бошқа баъзи касб эгаларининг касбий фаолияти натижасида етказилиши эҳтимол бўлган зарарини суғурта қилиш тушунилади. Шуниси диққатга сазоворки, юқорида қайд этилган касб эгалари учинчи шахсларга икки хил ҳолатда зарар етказишлари мумкин. Буни схема шаклида қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-чизмага қаранг).



Қасддан ҳатти-ҳаракат натижасида учинчи шахсга зарар етказилса, бу зарар учун суғурта ташкилоти жавоб бермайди.

Касбий жавобгарликни суғурталашда бошқа суғурта турларидан фарқли улароқ суғурта ҳолатининг бошланиши ташқи омилларга (табiiй офатлар ва кесин ўзгаришлар, учинчи шахс ҳаракатлари ва ҳоказолар) эмас, балки муайян касбий фаолиятни амалга оширадиган шахс малакасига боғлиқ. Суғурта қилувчи суғурта шартномаси тузганидан сўнг бошқа касбий фаолият билан шуғулланувчи шахс амалга оширадиган эҳтиёткорлик билан иш тутиши (эътибор билан) ва касбий кўникмаларни намоён этиши лозим.

Кўпчилик ҳолатларда суғурта ҳолатининг бошланиши суднинг мутахассиснинг (суғурта қилувчи) мижозга моддий зарар етказганлиги ва унинг миқдори учун мулк жавобгарлигини белгиловчи қарори қонуний кучга киргандан кейин тан олинади. Бундан ташқари, суғурта қилувчининг учинчи шахсга эътирозларни судгача ҳал этишда етказган зарари учун жавобгарлигининг белгиланиши ҳам фақат суғурта қилувчи томонидан етказилган зарар аниқ исботланганда суғурта ҳолати сифатида тан олиниши мумкин. Бунда суғурта шартномасида суғурта қилувчи жавобгарлигининг пайдо бўлиши асосли эканлигини тан олиш ва зарарни

коплаш миқдорини аниқлаш суғурта қилувчи ёки ваколатли вакили иштирокида амалга оширилиши келишиб олинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг ҳар бир тури маълум бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари билан асосланган ўз хусусиятларига эга. Шар бир маълум касбнинг ўзига хос хусусиятлари касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда ҳисобга олинади. Бу борада суғурта қилувчининг ўз касбий мажбуриятларини бажаришга виждонан, мулоҳаза билан ва асосли ёндошуви касбий жавобгарликни суғурталашда умумий принцип саналади. Акс ҳолда суғурта қилувчи суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз жавобгарлигидан озод этилиши мумкин.

Хорижий амалиётда касбий жавобгарликни суғурталашнинг айрим турлари мажбурий асосда амалга оширилади, яъни юридик ёки жисмоний шахслар (масалан, шифокорлар, риэлтерлар, баҳоловчилар, божхона брокерилар ва бошқалар) касбий жавобгарликни суғурталаш полисисиз маълум бир касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Бу борада суғурталанувчи - касбий фаолиятни амалга оширадиган юридик ёки жисмоний шахс, суғурта қилувчи - суғурта фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳамда корхонанинг касбий жавобгарликни суғурталаш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга юридик шахс суғурта ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланади. Ушбу суғурта субъектлари суғурта мажбуриятларининг асосий томонлари, яъни суғурта шартномаси томонларидир. Бундан ташқари, жабр кўрган шахс (суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган) ҳам касбий жавобгарликни суғурталаш субъектлари сирасига киради. Одатда, жабр кўрган агарда суғурта шартномасида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, етказилган зарар миқдорида суғурта тўлови олишга ҳаққи бор.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда жабр кўрганлар (фойда олувчилар) суғурталанувчига ҳам суғурта қилувчига маълум қилинмайди. Ушбу ҳолатда суғурта шартномасида бу шартнома

кимнинг фойдасига тузилганлиги айтилмаган ёки у суғурта қилувчи ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлсада, суғурта тўлови олиш ҳуқуқига фойда олувчи фақатгина суғурта қилувчи унинг олдида жавобгар бўлган шахсгина (ёки унинг меросхўри) ҳисобланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси шартларида суғурта қилувчининг суғурталануви ёки унинг ходими ваколатига нисбатан кафолатлари кўзда тутилмаган.

Суғурта қилувчи учинчи шахсга суғурталанувчи томонидан қрнуний ва меъёрий ҳужжатлар бузилиши, суғурталанувчининг атайин ҳаркатлари натижасида зарар етказилса суғурталанувчи мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланмайди. Суғурталанувчининг ҳаракатларидаги ниятни исботлаш суғурта қилувчи зиммасига юклатилади. Суғурталанувчининг нияти суднинг қонуний кучга кирган қарори, ҳукми билан аниқланади. Агарда суғурталанувчига нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта бадали тўғрисидаги масала суд қарори ва ҳукмигача тўхтатилади.

Республикамизнинг қатор суғурта компаниялари айти пайтда аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишни амалга оширмоқда. Ушбу ҳолатда қуйидагилар суғурталанувчилар ҳисобланади: аудиторлар - белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга ва аудиторларнинг профессионал реестрига киритилган жисмоний шахслар; аудиторлик фирмалари - юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган ва аудиторлик хизматларини кўрсатадиган ва белгиланган тартибда рўйхат олинган юридик шахслар.

Суғурта қилувчининг мижоз олдидаги аудиторлик текширувини ўтказиш учун улар ўртасида тузилган шартнома ва амалдаги қонунчиликдан келиб чиқадиган мулк жавобгарлиги суғурта объекти ҳисобланади. Суғурта қилувчи суғурта шартномасига мувофиқ суғурталанувчига амалдаги қонунчиликка мос келмайдиган аудиторлик ҳаракатларни амалга оширишда (ёки керакли аудиторлик ҳаракатларни

амалга оширмаган) суғурта қилувчининг ўз касбий мажбуриятларини тегишли равишда бажармаганлиги ёки ўз лавозим мажбуриятлари доирасида фаолият юритаётган суғурта қилувчининг ёхуд у профессионал хизмат кўрсатиш учун хизматларидан фойдаланган бошқа шахсларнинг эҳтиётсизлиги, хатолари, камчиликлари туфайли билдирилган эътирозлар бўйича зарарни қоплаш мажбуриятини қабул қилади. Бундан ташқари суғурта қилувчи томонидан суғурталанувчининг эътирозларни ҳал қилиш бўйича барча сарф-ҳаражатлари ҳам қопланиши мумкин.

Суғурта қилувчининг зарарни қоплаш мажбуриятлари аудитор миқдорлари ёки бошқа учинчи шахсга аудитор томонидан ўз касбий мажбуриятларини амалга оширишда эътиборсиз ҳаракатлар, хаторлар, камчиликлар, шунингдек, керакли аудиторлик ҳатти-ҳаракатларни бажармаслик натижасида зарар етказилган ҳолатларда пайдо бўлади. Суғурта қилувчи одатда амалдаги қонунчиликка мос келмайдиган аудиторлик ҳаракатларни ёки керакли аудиторлик ҳаракатларни суғурталанувчининг ғаразли нияти борлигида бажармаслик натижасида етказилган зарарни қопламайди. Аудиторнинг ғаразли нияти суднинг қарори, ҳукми қонуний кучга киргач, аниқланади. Суғурталанувчининг ҳаракатларида ғаразли ниятлар борлигини исбот қилиш суғурта қилувчи зиммасига юклатилади.

Одатда суғурта ҳолати ижтимоий ваколатли давлат органларининг сифатсиз ўтказилган аудит ёки суғурталанувчининг аудиторлик ҳисоботи ёки ҳулосасида акс эттирилган айтайлаб йўл қўйилган хатолар оқибатида суғурталанувчи билан аудиторлик тикширув ўтказиш учун шартнома тузган учинчи шахсга жарима ёхуд бошқа моддий санкциялар юклаш қарори, шунингдек, аудиторнинг зиммасига у томонидан амалга оширилган ноқонуний аудиторлик ҳаракатлар, хатолар, камчиликлар ёки керакли аудиторлик ҳаракатларни амалга оширилмагани сабабли учинчи шахсга етказилган зарарни қоплашни юклайдиган суд органи қарори кучга киргач, содир этилган ҳисобланади.

Бундан ташқари, суғурта ҳолати бажарилган ишлар (хизматлар) сифатсизлиги учун суғурта қилувчининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги суғурталанувчи томонидан суғурта қилувчининг олдиндан розилиги билан ихтиёрий тан олинганда, содир этилган ҳисобланади.

Агарда суғурта шартномасида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, суғурта қилувчи суғурта ҳолати форс-мажор вазиятлар, яъни қонунлар, қарорлар, идора ва ишлаб чиқариш қоидалари, йўриқномалар, бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилганда, ишлаб чиқаришда иштирок этишга ваколати йўқ ёки инструктаж, қайта тайёрланиш вақтини ўтказиб юборган ходимларнинг, шунингдек, рухий хасталиклар, тутқаноқ ва ишга лаёқатлигини чекловчи бошқа касалликларга дучор бўлган шахсларнинг ишлаб чиқаришда иштироки (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш), суғурталанувчи ёки унинг ваколатли вакилига маълум бўлган, бироқ суғурта қилувчига маълум қилинмаган суғурта ҳолати таваккалчилигини оширувчи ҳолатлар оқибатида содир этилганда суғурта тўлови ҳамда суғуртта маблағини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, суғурта шартномасида суғурта қилувчини суғурта тўловидан озод этишнинг бошқа ҳолатлари ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин.

Одатда суғурта ҳолати томонидан учинчи шахсларнинг тадбиркорлик таваккалчилиги билан боғлиқ ва улар томонидан аудиторлик ҳулосаси ёки ҳисоботи асосида амалга оширилган хўжалик операциялари натижасида уларга етказилган зарар тан олинмайди. Суғурта шартномаси бўйича суғурта маблағи миқдори томонларнинг келишувига биноан суғурталанувчининг аудиторлик хизматлар кўрсатиш бўйича ялпи маблағ айланмасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Томонларнинг келишиувига биноан суғурта шартномасида барча суғурта ҳолатлари ёки битта ҳолат бўйича тўловлар тўлашнинг энг кам қиймати белгиланиши мумкин. Суғурта қилувчи тузилган суғурта шартномасига кўра шартномада кўрсатилган суғурта маблағи доирасида жавобгар

ҳисобланади. Бир қанча суғурта ҳолатлари бўйича тўловларнинг умумий қиймати суғурта маблақидан ошмаслиги керак.

Шартномада шартланган ёки шартланмаган франшиза (зарарнинг қопланмаган қисми) маблағини белгилаш тўғрисида шарт келишиб олиниши мумкин. Агарда шартномада франшиза белгиланган бўлса, суғурта қилувчи франшиза қийматидан ошмайдиган зарар учун жавобгарликдан озод этилади. Агарда зарар миқдори франшиза қийматидан ошса, уни тўлиқ қоплаши шарт (суғурта маблағи доирасида). Шартланган франшизада суғурта қилувчи франшизанинг белгиланган қийматидан ошмайдиган зарарни қоплашдан озод этилса, франшизадан ошадиган зарарни эса тўлиқ қоплайди.

Шартланмаган франшизада зарар барча ҳолатларда белгиланган франшизадан ташқари тўлиқ қопланади.

I боб бўйича хулоса

Шундай қилиб, касбий жавобгарликни суғурталаш - иш фаолиятида хато ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли зарар етказиши мумкин бўлган маълум касбдаги (шифокорлар, адвокатлар, ҳисобчилар, архитекторлар ва бошқа касб вакиллари) одамлар учун масъулиятни суғурталаш туридир. Суғурта қопламаси фақат юридик масъулиятга тегишли бўлиб, бунга маънавий зарарлар кирмайди. Касбий масъулиятни суғурталашда суғурталанувчи ўз касбий мажбуриятларини малакали амалга ошириши назарда тутилади.

Касбий масъулиятни суғурталашни умумий фуқаролик масъулиятидан фарқлаш лозим. Чунки бу ҳолда суғурта полисида кўрсатилган иш фаолиятини амалга оширишда йўл қўйилган хатолар натижасида қонуний белгиланган масъулият суғурталанади.

II боб. Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашнинг ҳозирги ҳолати ва унинг таҳлили

1. Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашда шартномаларни тузиш механизми

Суғурта шартномаси одатда суғурталанувчининг ёзма аризаси асосида тузилади. Суғурта шартномасини тузишда суғурталанувчи суғурта қилувчига талаб этилган суғурта маблағининг асослилигини тасдиқловчи ва суғурта таваккалчилиги даражасини аниқлаш имконини берувчи барча керакли ахборотни тақдим этиши шарт. Суғурта қилувчи суғурта таваккалчилиги даражасини аниқлаш учун суғурталанувчи ва мижоз ўртасида тузилган аудиторлик текширувини ўтказиш шартнома нусхасини талаб қилиши мумкин.


Суғурта шартномаси аудиторлик текширувини ўтказишни бошлашдан олдин тузилади. Суғурта шартномаси ҳар бир аниқ аудиторлик текшируви учун тузилади. Суғурталанувчидан олинган маълумотлар асосида суғурта қилувчи суғурта шартномасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу шартнома томонларнинг ягона шартномани имзолаш ёки суғурталанувчига суғурта полисини бериш йўли билан тузилади.

Аудиторнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси шундай шахслар фойдасига тузиладики, бунда аудитор касбий фаолиятини амалга оширишда ўз ҳаракатлари учун улар олдида жавобгарликни зимасига олади. Суғурта шартномасини тузиш чоқида фойда олувчилар суғурталанувчига ҳам суғурта қилувчига ҳам маълум қилинмайди. Шундай эсада, ушбу шартномада у кимнинг фойдасига тузилганлиги айтилмайди ёки шартнома аудитор ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлса ҳам суғурта тўлови олиш ҳуқуқига эга фойда олувчи аудитор фақат унинг олдида жавобгар бўлган шахсгана бўлиши мумкин.

Келишилган даврда ичида суғурта компанияси билан узлуксиз сукурта шартномаларини тузган суғурталанувчига суғурта шартномасини тузиш учун бир ойлик имтиёзли давр берилиши мумкин. Имтиёзли даврда тўланган янги полис (тўлов тўланган кунидан қатъи назар) янгиланган ҳисобланади ва олдинги полиснинг амал қилиш муддати туганган пайтдан бошлаб кучга киради. Агарда имтиёзли давр ичида сукурта ҳолати юз берса ва янги суғурта шартномаси тузилмаган бўлса, тўлов охирги суғурта полиси бўйича амалга оширилади.

1-диаграмма

2012 йил якунлари бўйича “ТОР-25” лойихасида иштирок этган суғурта компанияларида суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари таркиби



Юқорида келтирилган диаграммада 2012 йилда “SAIPRO” компаниясининг “ТОР-25” лойихасида иштирок этган суғурта компаниялари томонидан суғурта турлари бўйича тўпланган суғурта мукофотлари таркиби келтирилган. Кўриниб турибдики, 2012 йилда келиб тушган суғурта мукофотларининг атиги 3,6 фоизини ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси ташкил этади.

Томонлардан бирининг тузилган шартноманинг бирон-бир шартини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Суғурта шартномасига киритиладиган ўзгартишлар ёзма равишда тузиладиган қўшимча келишув билан расийлаштирилади.

Жавобгарлик суғуртасида врачларнинг касбий жавобгарлигини суғуртаси алоҳида аҳамиятга эга. Бунда суғурта объекти сифатида врачларнинг жисмоний шахсларга кўрсатилиш лозим бўлган табиий даволашнинг бажармаганлиги натижасида вужудга келган мулкӣ манфаатлар ҳисобланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, беморларга етказилган мулкӣ жавобгарлик хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врачларга нисбатан тадбиқ этилади. Суғурта суммаси суд томонидан белгиланган мулкӣ жавобгарлик миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Қонунининг 8-моддасида аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги баён этилган. Унга кўра, аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри яқундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт.

Айрим аудиторлар ўз фаолиятида етарли билимга эга бўлганлиги оқибатида, хўжалик субъекти манфаатларига зиён етказиши мумкин. Аудиторлар эҳтимол тутилган учинчи шахсларга зарар етказиш жавобгарлигини суғурта ташкилотлари зиммасига юклайди.

Суғурта шартномаси унга амал қилиш муддати тугаганидан кейин бекор қилинади, яъни: суғурта қилувчи томонидан шартнома бўйича суғурталанувчи олдидаги мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда; суғурталанувчи томонидан шартномада белгиланган муддатда суғурта тўловлар тўланмаганда; юридик шахс ҳисобланган суғурта қилувчини тугатиш ёки жисмоний шахс ҳисобланган суғурта қилувчининг вафот этганда; суғурта қилувчини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилганда; суд томонидан суғурта шартномасини кучга эга эмаслигини тан олиш ҳақидаги қарор қабул қилинса; агарда суғурта ҳолатининг содир этилиш имконияти йўқолса ва суғурта таваккалчилиги тўхтатилса ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

Шу билан бирга: суғурта шартномаси томонлар ташаббуси билан муддатидан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин. Суғурталанувчи суғурта шартномасини хоҳлаган пайтида рад этиш ҳуқуқига эга. Шартнома муддатидан олдин рад этилганда суғурта қилувчига тўланган суғурта мукофоти агарда шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, қайтирлмайди.

Суғурта қилувчи талаби бўйича суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилишда у суғурталанувчига суғурта бадалларини тўлиқ қайтаради: агарда суғурта қилувчининг талаби суғурталанувчи томонидан суғурталаш қоидалари бажарилмагани билан боғлиқ бўлса, у суғурталанувчига шартноманинг тугаган муддати учун кетган сарф-ҳаражатлардан ташқари суғурта бадалларини қайтаради.

Суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Суғурта шартномаси давомида суғурта қилувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: суғурталанувчи бераётган маълумотни текшириш; шартномада ёки амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш; суғурта қилувчига зарарни қоплаш тўғрисидаги

талабларни ўз ичига олувчи эътироз билдирилган ҳолатда суғурталанувчи номидан музокара олиб бориш, суғурта ҳолати аҳволи ва сабабларини аниқлаш учун чоралар кўриш, суғурталанувчининг розилигини кутмасдан зарар миқдорини аниқлаш; суғурта ҳолати бўйича суғурталанувчи номидан ва топшириқи билан суд ва ваколатли органларда иш юритиш.

Суғурта қилувчи суғурталанувчини суғурта қилиш қоидалари билан таништириши, белгиланган муддатда суғурта полисини бериши, суғурта ҳолати содир этилганда суғурта тўловини белгиланган муддатда тўлаши, суғурталанувчи билан мсуносабатнинг сирлилигини таъминлаш, суғурта шартномасига амал қилиш даврида барча суғурта масалалари бўйича бепул маслаҳат бериши шарт.

Суғурталанувчи суғурта қилувчидан суғурталанувчи томонидан суғурта қоидаларида келишилган керакли хатти-ҳаракатлар бажарилганидан сўнг суғурта полисини олиш, суғурта полисига амал қилиш даврида барча суғурта масалалари бўйича бепул маслаҳат олиш, суғурта ҳолати содир этилганда суғурта тўловларини олиш, суғурта шартлари ва қоидалари билан батафасил танишиш, суғурта қилувчидан унинг тижорат сири ҳисобланган молиявий барқарорлиги тўғрисида маълумот олиш, агарда суғурта қилувчи суғурталанувчидан полисга амал қилиш муддати ичида эътироз (билдириш) олса, полисга амал қилиш муддати тугаганидан кейин суғурта тўловини олиш ҳуқуқига эга.

Суғурталанувчи суғурта шартномасини тузишдан олдин суғурта қилувчига ўзига маълум бўлган ва суғурта тавккалчилигини баҳолашда аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни (масалан, эътирозлар статистикаси, суғурта ҳолатлари, ходимларнинг малакасини ошириш ва ҳоказо) маълум қилиши, аудиторлик текширувини ўтказишнинг қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўймаслик бўйича унга боғлиқ бўлган чораларни кўриши, кечиктирмасдан суғурта шартномасида белгиланган муддатда дам олиш ва байрам кунларини истисно қилган ҳолда, унга суғурта ҳолати содир этилгани тўғрисида маълум бўлагинини суғурта қилувчига ёзма равишда

хабар бериши, суғурта қилувчига суғурта ҳолатининг сабаблари, оқибатларини, етказилган зарар хусусиятлари ва миқдорини муҳокама этиш имконини берадиган барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши, суғурталанувчига суғурта ҳолати муносабати билан қуйилган мулк хусусиятга эга талабларни суғурта қилувчининг ёзма розилигисиз тан олмаслиги, суғурта қилувчи билан муносабатнинг сирлилигини таъминлаши, қайта тузиш ёки тугатиш ҳолатларида бу ҳақида суғурта қилувчига тезлик билан хабар бериши шарт.

Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти миқдори (суғурта тўлови) суғурта маблағи миқдоридан келиб чиққан ҳолда суғурта қилувчининг тариф ставкаси бўйича ҳисобланади. Суғурта тарифлари статистика маълумотлари, суғурта бозори конъюктураси, таваккалчилик даражаси, суғурталанувчи фаолияти турини суғурта қилиш муддати, танланган таваккалчилик ва таваккалчилик даражасига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Суғурта маблағи аудиторлик хизматларни амалга оширишга доир режалаштирилаётган айланма маблағ асосида белгиланади. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати ёки шартномада белгиланган бошқа даврнинг тугаши билан одатда суғурта пули ва суғурта мукофоти миқдори суғурталанувчи фаолиятининг натижалари ҳисобга олинган ҳолда қай ҳисобланади.

Суғурта мукофотини тўлаш тартиби томонлар келишиуви бўйича белгиланади: бир йўла ёки қисман суғурта қилувчининг ҳисобрақамига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан. Суғурта тўлови суғурталанувчи томонидан суғурта шартномасида келишилган муддат ичида шартнома имзоланган кундан бошлаб тўланади. Суғурта тўлови тўлиқ ўтказилмаган ҳолатда суғурта пули суғурта тўловининг тўланган қисмига мутаносиб равишда камаяди.

Шартномани бир йил оз муддатга тузишда суғурта мукофоти йиллик суғурта мукофоти маблақидан фоиз ҳисобида ажратилади. Суғурта

шартномасига тўлиқ бир ой амал қилинмаган ҳолатда ҳам суғурта мукофоти (суғурта тўлови) тўлиқ тўланади. Шартномани бир йилдан ошиқ муддатга тузишда суғурта тўлови имтиёзли тариф ставкалари бўйича ҳисобланади.

Суғурта тўлови тўлиқ тўланмаган ҳолатда суғурта полисида суғурталанувчи томонидан ҳақиқатдан ҳам тўланган суғурта мукофоти ва унга тегишли суғурта пули кўрсатилади.

Суғурталанувчи суғурта қилувчига ёзма равишда суғурта шартномасига амал қилиш муддати ичида таваккалчилик даражасидаги ўзгаришлар ҳақида хабар қилиш шарт. Агарда таваккалчилик даражасининг ошиши суғурта мукофоти миқдорини ошириш заруратини юзага келтирганда суғурта қилувчи суғурталанувчига қўшимча суғурта мукофоти учун ҳисоб билан бирга суғурта шартномасига тегишли қўшимчаларни ҳам жўнатади. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини (суғурта бадали) тўлаши ва бадал учун ҳисобни ҳамда шартномага қўшимча матнини олган кундан бошлаб суғурта шартномасига келишилган муддат ичида қўшимчани имзолаши ёки суғурта шартномасини бузишни талаб қилиши мумкин.

Агарда суғурталанувчи кўрсатилган ҳатти-ҳаракатларни бажармаса, суғурта қилувчи суғурта шартномасини бекор қилишни ва шартномани бекор қилиш орқали етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурта шартномасининг амал қилиш даври тугагандан кейин ва у бўйича суғурта ҳолати содир этилмаса суғурталанувчига шартнома бўйича тўланган суғурта тўловининг бир қисми қайтарилади.

Суғурта қилувчининг жавобгарлиги суғурталанувчининг ҳисобрақамига суғурта тўлови келиб тушган кундан бошланади, суғурта тўловини тўлаш бўйича суғурта қилувчи жавобгарлигининг кучга кириши одатда суғурта полиси билан тасдиқланади. Суғурта полиси суғурталанувчига суғурта тўловининг суғурта қилувчининг ҳисобрақамига

суғурта шартномасида келишилган муддат ичида келиб тушган кундан бошлаб берилади.

Аудит ўтказиш - масъулиятли фаолият бўлиб, майда-чуйда нарсаларга жиддий эътибор билан қарашни талаб қилибгина қолмасдан, шу билан бирга бўлажак шериклар ва мижозлар назарида текширилаётган субъектнинг имиджини шакллантириш учун муайян даражада жавобгарлик ҳам юклайди.

Аудиторларнинг жавобгарлигини суғурталаш ҳақида сўз юритар эканмиз, энг аввало, умумий жавобгарликни суғурталашнинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз, чунки булар суғурта ҳимоясини олиш чоғида суғурта қилдирувчи (аудиторлик ташкилоти) учун ғоят қизиқарли ва долзарбдир. Ана шундай масалалардан бири суғурталаш муддати (даври)дир. Чунки суғурта шартномаси бўйича даъво аризалари бир неча йиллар мобайнида такдим этилиши мумкин. Бу пайтга келиб, суғурта қилдирувчи бошқа суғурта компаниясидан ҳимоя олиши мумкин ва мана шундай даъволар бўйича "жавобгар" суғурталовчини аниқлашда қийинчиликлар туғилади. Шу сабабли суғурта шартномасига суғурталаш даврини белгилашнинг айнан қандай принциплари асос қилиб олинганлиги муҳим. Танлов суғурта қилдирувчининг фаолиятига ва жавобгарликни суғурталаш турига боғлиқ бўлади. Агар суғурта қилдирувчи йўл қўйиши мумкин бўлган эҳтиётсизлик билан зарар етказилган ҳодиса ўртасидаги вақт озгина бўлса, шартнома зарарнинг намоён бўлиши асосида тузилади. Агар бундай вақт анчага чўзилиши мумкин бўлса, "билдирилган даъволар" билан шартнома тузиш мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Ишлатилаётган атамалар устида тўхталиб ўтамиз. "Зарарнинг намоён бўлиши" - бу ибора шартноманинг амал қилган даврида юзага келган зарар учун суғурта қилдирувчи жавобгар бўлишини билдиради. Лекин, бундай зарарнинг келиб чиқишига суғурта қилдирувчи мазкур шартнома амал қила бошлашидан олдин амалга оширган ҳаракатлар сабаб бўлиши мумкин. Шунга қарамай, суғуртачи шартнома муддати тугаганидан кейин

юзага келган зарар учун жавоб бермайди. Шу билан бирга, кўрилган зарарлар суғурта муддати тамом бўлганидан кейин аниқлансаю, лекин зарар шартнома амал қилиб турган пайтдаёқ юзага келган бўлса, бундай зарарларни суғуртачи қоплайди.

Сўнгги вақтда "билдирилган даъволар" асосидаги шартномалар анча кенг тарқалди. Уларни баъзан "қўйилган талаблар" шарти асосида тузилган шартномалар деб ҳам аташади. Яъни шартнома у амал қилиб турган вақтда суғурта қилдирувчига биринчи марта қўйилган даъволарни қоплайди. "Думи узун" (агар зарар орадан анча вақт ўтганидан кейин маълум бўлган бўлса) даъволарга йўл қўймаслик учун суғуртачилар ретроспектив санани киритадилар. Мана шу санагача аниқланган зарарларнинг ҳеч қайсиси қопланмайди. Шундай қилиб, суғуртачи қанча талабларни қоплаши кераклигини аниқ билади ва бу ҳол етарли захиралар яратиш, хатарларни баҳолаш ва тарифларни ҳисоблаб чиқиш муаммоларини енгиллаштиради.

Шунга қарамай, суғурта қилдирувчи учун муаммо мавжуд. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугаган пайтда суғурта қилдирувчига қарши талаблар илгари сурилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар вужудга келса, суғуртачи полисни қайта расмийлаштиришдан бош тортиши мумкин, бошқа суғуртачилар эса хатарни суғурталашни ўз зиммаларига олмайди. Бундай вазиятда суғурта қилдирувчи айнан ўзига нисбатан даъво илгари сурилиши мумкин бўлган вақтда суғурта ҳимоясисиз қолади. Шу муносабат билан "билдирилган даъволи" шартномаларга кўпинча даъволарни тақдим этишнинг давом эттирилган даври ҳақидаги шарт - "охирги давр шарти" киритилган бўлади, Агар суғуртачи ретроспектив санадан то шартноманинг амал қилиш муддати тугагунча билдирилган даъволар бўйича ўз мажбуриятларини бажарган бўлса ҳам, суғурта қилдирувчи бирмунча шартлашилган давр (масалан бир неча йил) мобайнида яна ҳимояга эга бўлади. Бу ҳимоя суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси тугайдиган санагача суғуртачига маълум

қилган ҳолатлар туфайли келиб чиққан даъволарга нисбатангина амал қилади.

Миллий қонун ҳужжатларига "жавобгар" суғурта қилдирувчини аниқлашга таъсир кўрсатадиган қоидалар киритилиши мумкин. Масалан, АҚШ судлари "уч томонлама шарт" тизимини ишлаб чиқдилар. Ушбу тизимга мувофиқ даъвогар айнан қайси давр - зарар етказилган вақт, зарар аниқланган вақт ёки улар оралиғидаги давр унинг ҳодисасига ҳам-мадан кўпроқ мос келишини ўзи кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли аудиторлар суғуртачини танлаб олиш вақтида унинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятигагина эмас, балки суғуртачида мустаҳкам юридик база мавжудлигига ҳам эътибор беришлари керак. Бу эса, пировардида, зарур ҳолларда суғуртанинг бевосита вазифасидан фойдаланиш - ҳам юридик соҳада, ҳам суғурта бўйича малакали ҳимояга эга бўлиш имконини беради.

Аудит хўжалик субъектлари молиявий ва бошқа ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини уларни юридик қонунлар талабларига жавоб бериш-бермаслигини мустақил текширишдан иборат. Аудит аудитор тамонидан ўтказилиб, бу касбдаги мутахассислар етарли тайёргарликка эга эканликлари ҳақида шахсий лицензияларига эга бўлишлари керак.

Лекин, айрим аудиторлар ўз фаолиятида юзакичиликка йўл қўйиб, мавжуд камчиликларга эътибор бермасдан корхона манфаатларига путур етказишлари мумкин. Шу муносабат билан аудиторлар жавобгарликни суғурталашга эҳтиёж туғилади, суғурталаш учун эса ҳар бир аудиторликни текшириш учун алоҳида шартнома тузилади. Суғуртанинг тариф ставкаси суғурта пулидан йилига 3-5 фоиз миқдорида белгиланади. Суғурталанувчи билан корхона ўртасида амалдаги аудиторлик текширув ўтказиш шартномаси бўйича мулкӣ жавобгарлик суғурта объекти ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат ташкилотлари тамонидан корхоналарга жарима ёки бошқа мулкӣ санкциялар тариқасида белгиланган суғурта ҳодисаси ҳисобланади, дейилади, аудиторлик жавобгарлигини суғурталаш

қоидаларида-бундай суғурталанувчининг корхона фаолиятини аудиторлик текширувини сифатсиз ва атайлаб қилинган хатолар натижасида текширув ҳисоботи ёки хулосаси бўйича корхонага тўлайдиган зарар кўзда тутилади.

2. Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашда томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш амалиётининг таҳлили

Суғурта ҳолати содир этилганда ёки унинг бошлангич сабаб булувчи ҳолатларда, шунингдек, учинчи шахсдан эътирозлар (даво аризаси) келиб тушганда суғурталанувчи суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатларини аниқлаш учун керакли чораларни, зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш, зарар етказилган шахслар ҳаёти ва мулкни сақлашга оид барча имкони бор ва мақсадга мувофиқ чораларни кўриши, қисқа муддат ичида суғурта қилувчига ушбу ҳолатнинг содир этилгани ҳақида хабар бериши ва унга ушбу ишга тааллуқли барча ҳужжатларни юбориши, суғурта қилувчига унинг оқибатлари, судда ишни кўриш ва ушбу ишга тааллуқли бошқа фактлар ҳақида маълумот бериши, агарда суғурта қилувчи суғурта ҳолати бўйича суғурта қилувчи ва суғурталанувчининг манфаатларини судда ҳамда суддан ташқари тартибда ҳимоя қилиш учун ўз адвокатини ёки бошқа ваколатли шахсни тайинлаш керак деб ҳисобласа унга бу борада имкони борича ёрдам бериши, зарарни тўламаслиги, суғурта ҳолати бўйича суғурталанувчига билдирилган талабларни қисман ёки тўлиқ тан олмаслиги, бундай талабларни бартараф этиш бўйича суғурта қилувчининг розилигисиз ҳеч қандай мажбуриятларни қабул қилмаслиги, суғурталанувчи имкони борича суғурта қилувчининг зарар етказилган мулкни кўздан кечириш ва етказилган зарар миқдорини белгилашда иштирок этишини таъминлаши, суғурта ҳолатида етказилган зарар учун жавобгар бўлган учинчи шахсга нисбатан тесқари талабларни

таъминлашга оид барча чораларни кўриши, агарда суғурталанувчида зарарни мунтазам тўлашни тўхтатиши ёки унинг миқдорини қисқартириш имкони пайдо бўлганда, бу ҳақида суғурта қилувчига хабар бериши ва бундай тўловларни тўхтатиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

Суғурта қилувчи суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчининг суғурта ҳолати сабабли юзага келган (учинчи шахс) мулк йўқотишларининг ўрнини тўлдиради. Агарда шартномага амал қилиш даврида аҳамиятга эга бўлган суғурта ҳолати суғурта қилиш бошлангунга қадар аҳамиятга эга бўлган ёки таъсир қилишни бошлаган сабабларга кўра содир этилса, зарар суғурталанувчига шартномани тузиш пайтида ушбу суғурта ҳолатининг бошланишига сабаб бўлган сабаблар ҳақида унга маълум бўлмаганда тўланиши лозим.

Агар суғурта тўлови суғурта қиймати миқдорида тўланган бўлса, суғурта полисига амал қилиш тўлов тўланган пайтдан бошлаб бекор қилинади. Суғурта пули миқдорида тўлиқ тўланмаган суғурта тўлови тўланадиган суғурта полиси ўз кучини унга амал қилиш муддати охиригача суғурта пул ва тўлов қиймати ўртасида фарқ миқдорида сақлаб қолади.

Суғурта тўлови суғурта қилувчи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат ичида суғурталанувчидан содир этилган суғурта ҳолати тўғрисидаги барча керакли ҳужжатлар олингандан кейин тўланади. Суғурта тўлови суғурталанувчининг исботланган масъулияти миқдорида суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулидан ортиқ бўлмаган ҳолда тўланади.

Суғурта қилувчининг ҳисобрақамидан суғурталанувчининг ҳисобрақамига пул ўтказилган кун суғурта тўлови тўланган кун ҳисобланади.

Суғурта қилувчи агарда суғурталанувчи суғурта шартномаси шартларини тегишли равишда бажармаса, суғурта тўлови миқдорини камайтириш ҳуқуқига эга.

Суғурталанувчи суғурта шартномасига амал қилиш бекор қилинганидан сўнг суғурта қилувчига суғурта шартномасига амал қилиш даврида ундан суғурта ҳолати тўғрисида эътироз (билдириш) билдирилгандагина суғурта тўловини олиши мумкин.

Суғурта қилувчи агарда суғурталанувчи айтайлаб ёлғон маълумотлар тақдим этган ва улар асосида суғурта шартномаси тузилган бўлса, зарар суғурталанувчи айби етказилмаган бўлса, зарар суғурталанувчи ёки корхонанинг бевосита ғаразли нияти оқибатида етказилган бўлса, суғурталанувчи текширувларни қонунда белгиланган муддатдан ташқари муддатда амалга оширган бўлса (лицензияни чақириб олиш, лицензияга амал қилиш муддатининг тугаши), аудиторлик текширувига малака шаҳодатномаларига эга бўлмаган ва аудиторларнинг касбий реестрига киртилмаган шахслар ёки ҳал этувчи ҳужжатлар санасини кичиктирган аудиторлар жалб қилинган бўлса, суғурталанувчи томонидан имзоланган ва белгиланган тартибда муҳр билан тасдиқланган аудиторлик хулосаси бўлмаса, суғурталанувчи суғурта қилувчига суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга рози бўлмаса ёки бошқача йўл билан тўсқинлик қилса, суғурталанувчи ўз вақтида суғурта қилувчига суғурта ҳолатининг содир этилгани тўғрисида хабар бермаган бўлса, суғурта тўловини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга.

Суғурта ҳолати туфайли етказилган зарар ҳажми суғурталанувчига суғурта ҳолати томонидан етказилган зарар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Зарар ҳажми махсус тайинланган давлат органи ёки суднинг жарима ёки бошқа моддий санкциялар қийматидан ёхуд суд томонидан қондирилган даво талабаларидан келиб чиққан ҳолда қарор чиқарилганда, эътирозлар учинчи шахсга етказилган зарар қийматидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий қондирилганда аниқланади.

Қопланаётган зарар маблағига суғурта ҳолатида зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш учун мақсадга мувофиқ сарф-ҳаражатлар ҳам киритилиши мумкин, бироқ тўловларнинг умумий қиймати суғурта шартномаси бўйича суғурта пулидан ошмаслиги керак.

Суғурта тўловини тўлаган суғурта қилувчига тўланган маблағ доирасида суғурта тўловини олган суғурталанувчи ёки бошқа шахс етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан эга бўлган талабларни талаб қилиш ҳуқуқи ўтади. Суғурталанувчи суғурта қилувчига ўзидаги барча ҳужжатлар ва далилларни бериши ҳамда ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун керакли барча расмий ишларни бажариши керак. Агар қайд этилган шахслар етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни уларнинг айби билан (ҳужжатларни тақдим этмаслик ва ҳоказолар) амалга оширишнинг иложи бўлмаса, суғурта қилувчи суғурта тўловларини тўлашдан озод этилади. Агарда ушбу тўловлар тўланган бўлса, қайд этилган шахслар суғурта қилувчига олинган маблағларни уни олган кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган фоизлар билан қайтариши шарт.

Суғурталанувчи суғурта қилувчига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгилангани даъво муддати ичида қонун ёки суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш учун асос бўлган ҳолатлар аниқланганда, тўланган пулни қайтаришга мажбур.

Агарда суғурта ҳолати содир этилган пайтда суғурта қилувчи томонидан суғурталанган объект бўйича суғурталашнинг бошқа шартларига амал қилинган бўлса, суғурта тўлови суғурта маблағларига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади ва ушбу маблағлар учун аудитор жавобгарлиги ҳар бир суғурта қилувчи томонидан суғурталанган, ҳар бир суғурта қилувчи эса ўз улушига тўғри келадиган зарарнинг бир қисmini тўлайди, холос.

Суғурталанувчи ёки учинчи шахснинг суғурта ҳолати содир этилишига қаратилган ғаразли ҳатти-ҳаракатлари, суғурталанувчи ёки

учинчи шахс томонидан суғурта ҳолати билан бевосита сабабли алоқада бўлган жиноятнинг атайин содир этилиши, суғурталанувчининг суғурта қилувчига айтайлаб суғурта объекти бўйича ёлқон маълумотларни хабар бериши, суғурталанувчи томонидан зарарни етказишда айбдор бўлган шахсдан унинг ундирилиши, суғурталанувчи томонидан суғурта қилувчига тузилган суғурта шартномаси бўйича таваккалчилик даражасининг ошганлиги тўғрисида маълум қилинмаслиги ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатлар суғурта қилувчининг суғурта тўловини тўлашдан бош тортишига асос ҳисобланади. Суғурта шартномаси шартларида суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш учун қўшимча асослар ҳам кўзда тутилган.

Суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш ҳақидаги қарор суғурта қилувчи томонидан қабул қилинади ва суғурта ҳужжатини тузиш учун белгиланган муддатда ёзма равишда бош тортиш сабаблари кўрсатилган ҳолда маълум қилинади. Суғурталанувчи ва суғурта қилувчи ўртасида юзага келадиган барча баҳслар музокалар йўли билан, агарда ўзаро келишувга эришилмаса, судда ҳал этилади.

Аудит ўтказиш - масъулиятли фаолият бўлиб, майда-чуйда нарсаларга жиддий эътибор билан қарашни талаб қилибгина қолмасдан, шу билан бирга бўлажак шериклар ва мижозлар назарида текширилаётган субъектнинг имиджини шакллантириш учун муайян даражада жавобгарлик ҳам юклайди. Аудиторларнинг жавобгарлигини суғурталаш ҳақида сўз юритар эканмиз, энг аввало, умумий жавобгарликни суғурталашнинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз, чунки булар суғурта ҳимоясини олиш чоғида суғурта қилдирувчи (аудиторлик ташкилоти) учун ғоят қизиқарли ва долзарбдир. Ана шундай масалалардан бири суғурталаш муддати (даври)дир. Чунки суғурта шартномаси бўйича даъво аризалари бир неча йиллар мобайнида такдим этилиши мумкин. Бу пайтга келиб, суғурта қилдирувчи бошқа суғурта компаниясидан ҳимоя олиши мумкин ва мана шундай даъволар бўйича "жавобгар"

суғурталовчини аниқлашда қийинчиликлар туғилади. Шу сабабли суғурта шартномасига суғурталаш даврини белгилашнинг айнан қандай принциплари асос қилиб олинганлиги муҳим. Танлов суғурта қилдирувчининг фаолиятига ва жавобгарликни суғурталаш турига боғлиқ бўлади. Агар суғурта қилдирувчи йўл қўйиши мумкин бўлган эҳтиётсизлик билан зарар етказилган ҳодиса ўртасидаги вақт озгина бўлса, шартнома зарарнинг намоён бўлиши асосида тузилади. Агар бундай вақт анчага чўзилиши мумкин бўлса, "билдирилган даъволар" билан шартнома тузиш мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Ишлатилаётган атамалар устида тўхталиб ўтамиз. "Зарарнинг намоён бўлиши" - бу ибора шартноманинг амал қилган даврида юзага келган зарар учун суғурта қилдирувчи жавобгар бўлишини билдиради. Лекин, бундай зарарнинг келиб чиқишига суғурта қилдирувчи мазкур шартнома амал қила бошлашидан олдин амалга оширган ҳаракатлар сабаб бўлиши мумкин. Шунга қарамай, суғуртачи шартнома муддати тугаганидан кейин юзага келган зарар учун жавоб бермайди. Шу билан бирга, қўрилган зарарлар суғурта муддати тамом бўлганидан кейин аниқлансаю, лекин зарар шартнома амал қилиб турган пайтдаёқ юзага келган бўлса, бундай зарарларни суғуртачи қоплайди.

Сўнгги вақтда "билдирилган даъволар" асосидаги шартномалар анча кенг тарқалди. Уларни баъзан "қўйилган талаблар" шарти асосида тузилган шартномалар деб ҳам аташади. Яъни шартнома у амал қилиб турган вақтда суғурта қилдирувчига биринчи марта қўйилган даъволарни қоплайди. "Думи узун" (агар зарар орадан анча вақт ўтганидан кейин маълум бўлган бўлса) даъволарга йўл қўймаслик учун суғуртачилар ретроспектив санани киритадилар. Мана шу санагача аниқланган зарарларнинг ҳеч қайсиси қопланмайди. Шундай қилиб, суғуртачи қанча талабларни қоплаши кераклигини аниқ билади ва бу ҳол етарли захиралар яратиш, хатарларни баҳолаш ва тарифларни ҳисоблаб чиқиш муаммоларини енгиллаштиради.

Шунга карамай, суғурта қилдирувчи учун муаммо мавжуд. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугаган пайтда суғурта қилдирувчига қарши талаблар илгари сурилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар вужудга келса, суғуртачи полисни қайта расмийлаштиришдан бош тортиши мумкин, бошқа суғуртачилар эса хатарни суғурталашни ўз зиммаларига олмайди. Бундай вазиятда суғурта қилдирувчи айнан ўзига нисбатан даъво илгари сурилиши мумкин бўлган вақтда суғурта ҳимоясисиз қолади. Шу муносабат билан "билдирилган даъволи" шартномаларга кўпинча даъволарни тақдим этишнинг давом эттирилган даври ҳақидаги шарт - "охирги давр шарти" киритилган бўлади, Агар суғуртачи ретроспектив санадан то шартноманинг амал қилиш муддати тугагунча билдирилган даъволар бўйича ўз мажбуриятларини бажарган бўлса ҳам, суғурта қилдирувчи бирмунча шартлашилган давр (масалан бир неча йил) мобайнида яна ҳимояга эга бўлади. Бу ҳимоя суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси тугайдиган санагача суғуртачига маълум қилган ҳолатлар туфайли келиб чиққан даъволарга нисбатангина амал қилади.

Миллий қонун ҳужжатларига "жавобгар" суғурта қилдирувчини аниқлашга таъсир кўрсатадиган қоидалар киритилиши мумкин. Масалан, АҚШ судлари "уч томонлама шарт" тизимини ишлаб чиқдилар. Ушбу тизимга мувофиқ даъвогар айнан қайси давр - зарар етказилган вақт, зарар аниқланган вақт ёки улар оралиғидаги давр унинг ҳодисасига ҳам-мадан кўпроқ мос келишини ўзи кўрсатиши мумкин.

Одатда ҳар қандай профессионал фаолият учинчи шахсларга зарар етказиш хатари билан боғлиқ бўлади. Профессионал мажбуриятларни бажариш жараёнида беихтиёр йўл қўйилган камчиликлар, хатолар сизга ишонган ва сизнинг профессионализмингизга амин бўлган мижозларга мулкӣ зарар етишига олиб келиши мумкин. Агар сиз аудитор бўлсангиз, мижозларнинг талаблари сизнинг профессионализмингизни шубҳа остида қолдиришдан ташқари бу талабларни ҳал қилиш чоғида катта молиявий

муаммолар ва кўнгилсизликларга ҳам олиб келиши мумкин. Профессионал жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузиш сизга молиявий муаммолардан холи бўлиш ва мижозларнинг ишончини сақлаб қолиш имконини беради.

Шахс ўз профессионал вазифаларини бажараётган вақтда йўл қўйган хато ёки камчиликлар учун жавобгарлик аудиторлик хизматлари соҳасида томонларнинг мажбуриятларини тартибга соладиган қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга асосланади. Бизнинг мамлакатимизда аудиторлик жавобгарлигини суғурталаш мажбурийдир ("Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 5-моддаси). Профессионал жавобгарликнинг асосини аудитор билан мижоз ўртасида хизмат кўрсатиш хусусида тузилган контрактнинг бузилиши ташкил этади. Хизматларни сотиб олаётган ҳар қандай шахс аудиторнинг ўз ишини билишига ва ҳалоллигига умид қилади. Агар мижозга зарар етказилган бўлса, у профессионални суд тартибида жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга.

Шуни айтиш керакки, Европа амалиётида жавобгарлик дастлаб профессионал билан шартнома тузган шахсларгагина тааллуқли бўлган. Ҳозир бу тушунча профессионал учинчи томонга етказган зарар учун ҳам жавобгарликни ўз ичига олади. Бироқ, мамлакатимизнинг суғурта ташкилотлари бозорнинг ҳозирги ривожланиш босқичида классик ёндашувни маъқул кўрмоқдалар, яъни аудиторларнинг фақат шартнома муносабатлари бўйича жавобгарлиги суғурта билан қопланмоқда.

Мана шу нуқтаи назардан қараганда, 1951 йилда ўтказилган "Кандлер Крейнинг Кристмас ва Кога қарши" процесс диққатга сазовор. Даъвогар компанияни унинг бухгалтерлари томонидан тайёрланиб, ўзига тақдим этилган молиявий ҳужжатлар асосида сотиб олган. Ҳужжатлар ноаниқ бўлиб чиққан ва даъвогар зарар кўрган. Унинг бухгалтерларга қарши даъвоси бухгалтерлар компания фойдасига ишлаганликлари ва даъвогар олдида бирорта ҳам мажбуриятга эга бўлмаганлик-ларига асосланиб, рад этилган. 1963 йилда Буюк Британиянинг суд амалиётига "Хедли Бирни

принципи" жорий этилди. Ушбу принцип профессионал жавобгарликни учинчи шахслар фойдасига кенгайтирган. Шундай қилиб, агар процесс 1951 йилда эмас, балки 1963 йилда ўтказилган бўлса эди, бухгалтерлар жавобгар деб топилган бўларди.

Бирок, аудиторларни ҳимоя қилиш суғурта товонини тўлашдангина иборат эмас. Аудитор ўз ваколатларини ошириб юбормаганлиги, эҳтиёткор бўлганлиги ва унинг ҳаракатлари бу соҳадаги профессионаллардан талаб қилинадиган малака даражасида бўлганлигини исбот қилиш илгари сурилган даъволарга қарши ҳимоя бўлиши мумкин.

Шунга қарамай, профессионал жавобгарликка нисбатан даъвони ҳал қилиш суғурталашнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Равшанки, суғурта қилдирувчи даъволаримни суғуртачи судсиз қабул қилади деган кайфиятда бўлади. Суд процесси, даъвонинг ошкор этилиши суғурта қилдирувчининг профессионал фаолиятига, унинг обрўси, имиджига сезиларли даражада зарар етказиши мумкин. Шунга қарамай, суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг суд олдидагй жавобгарлигига асосланади. Агар суғуртачи ушбу даъвога қарши ҳимоя бор деб ҳисобласа, судда унга қарши эътироз билдиришга ҳаракат қилади.

Аудит хўжалик субъектлари молиявий ва бошқа ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини уларни юридик қонунлар талабларига жавоб бериш-бермаслигини мустақил текширишдан иборат. Аудит аудитор тамонидан ўтказилиб, бу касбдаги мутахассислар етарли тайёргарликка эга эканликлари ҳақида шахсий лицензияларига эга бўлишлари керак.

Лекин, айрим аудиторлар ўз фаолиятида юзакичиликка йўл қўйиб, мавжуд камчиликларга эътибор бермасдан корхона манфаатларига путур етказишлари мумкин. Шу муносабат билан аудиторлар жавобгарликни суғурталашга эҳтиёж туғилади, суғурталаш учун эса ҳар бир аудиторликни текшириш учун алоҳида шартнома тузилади. Суғуртанинг тариф ставкаси суғурта пулидан йилига 3-5 фоиз миқдорида белгиланади. Суғурталанувчи

билан корхона ўртасида амалдаги аудиторлик текширув ўтказиш шартномаси бўйича мулкӣ жавобгарлик суғурта объекти ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат ташкилотлари тамонидан корхоналарга жарима ёки бошқа мулкӣ санкциялар тариқасида белгиланган суғурта ходисаси ҳисобланади, дейилади, аудиторлик жавобгарлигини суғурталаш қоидаларида-бундай суғурталанувчининг корхона фаолиятини аудиторлик текширувини сифатсиз ва атайлаб қилинган хатолар натижасида текширув ҳисоботи ёки ҳулосаси бўйича корхонага тўлайдиган зарар кўзда тутилади.

– Суғурталовчига эътирозларни келтириш учун учинчи шахсга ҳуқуқ бермаслик.

II боб бўйича ҳулоса

Ҳулоса қилиб айтганда, аудит ўтказиш - масъулиятли фаолият бўлиб, майда-чуйда нарсаларга жиддий эътибор билан қарашни талаб қилибгина қолмасдан, шу билан бирга бўлажак шериклар ва мижозлар назарида текширилаётган субъектнинг имиджини шакллантириш учун муайян даражада жавобгарлик ҳам юклайди. Аудиторларнинг жавобгарлигини суғурталаш ҳақида сўз юритар эканмиз, энг аввало, умумий жавобгарликни суғурталашнинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз, чунки булар суғурта ҳимоясини олиш чоғида суғурта қилдирувчи (аудиторлик ташкилоти) учун ғоят қизиқарли ва долзарбдир. Ана шундай масалалардан бири суғурталаш муддати (даври)дир. Чунки суғурта шартномаси бўйича даъво аризалари бир неча йиллар мобайнида такдим этилиши мумкин. Бу пайтга келиб, суғурта қилдирувчи бошқа суғурта компаниясидан ҳимоя олиши мумкин ва мана шундай даъволар бўйича "жавобгар" суғурталовчини аниқлашда қийинчиликлар туғилади. Шу сабабли суғурта шартномасига суғурталаш даврини белгилашнинг айнан қандай принциплари асос қилиб олинганлиги муҳим. Танлов суғурта

қилдирувчининг фаолиятига ва жавобгарликни суғурталаш турига боғлиқ бўлади. Агар суғурта қилдирувчи йўл қўйиши мумкин бўлган эҳтиётсизлик билан зарар етказилган ҳодиса ўртасидаги вақт озгина бўлса, шартнома зарарнинг намоён бўлиши асосида тузилади. Агар бундай вақт анчага чўзилиши мумкин бўлса, "билдирилган даъволар" билан шартнома тузиш мақсадга мувофиқроқ бўлади.

III боб. Аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталашни такомиллаштириш йўллари

1. Божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғуртаси ва уни ривожлантириш йўллари

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан божхона брокерларининг касбий жавобгарлиги суғурта ҳимоясига олинади. Божхона брокери деганда вакил қилинган шахс ёки ўз номидан божхона ҳужжатларини расмийлаштириш, божхона ишлари бўйича бошқа воситачилик функциясини амалга оширадиган юридик шахслар тушунилади. Божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталашда наф оловчи тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки, божхона брокерлари ўз фаолиятларини амалга оширишларида мижозларга, яъни божхона брокерининг хизматларидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахсларга моддий зарар етказишлари мумкин. Кўриниб турибдики, мазкур суғуртанинг моҳияти ҳам шу билан боғлиқки, божхона брокери ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида мижозлар олдидаги касбий жавобгарлигини суғурталашлари зарур бўлади.

Мобода, божхона брокерининг касб фаолияти натижасида мижозга зиён етса, суғурта шартномасига асосан етказилган зарар наф оловчи, яъни божхона брокерининг мижозига суғурта ташкилоти томонидан тўлаб берилади.

Суғурта ташкилоти қуйидаги ҳолатлар содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қопламаслик ҳуқуқига эга бўлади:

ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик урушлари, халқ кўзғолонлари, иш ташлашлар, мулкларни давлат ҳисобига конфискация қилиш, ҳарбий ёки фуқаролик ҳокимиятларининг топшириғига асосан мулкларни йўқ қилиш ва бошқалар;

ядро портлаши, радиация ва радиоактив нурланиш;

суғурта қилдирувчи ходимларининг божхона қонунчилигини бузишга йўналтирилган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари;

суғурта қилдирувчи томонидант касбий фаолиятни амалга ошириш чоғида миждозга тегишли ва унинг тижорат сирига оид маълумотларидан фойдаланиш ёки уни ошкор этиш;

суғурта қилдирувчининг божхона брокери сифатида олган лицензиясининг тўхтатилиши.

Шунингдек, суғурта ташкилотлари божхона брокерининг штатида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг малака аттестатига эга бўлган ходимлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам зарарнинг ўрнини қоплаб бермаслиги мумкин. Божхона қонунчилигига мувофиқ суғурта қилдирувчи белгиланган муддатларда бож тўловларини амалга оширмаган тақдирда ҳам суғурта ташкилоти суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича етказилган зарарни тўламасликка ҳақлидир.

Суғурта шартномасида суғурта суммасининг миқдори ва суғурта мукофоти миқдори ҳамда уларни суғурталовчига тўлаш муддатлари кўрсатилади. Суғурта мукофоти шартномада кўрсатилган муддатда суғурталовчининг ҳисоб рақамига тўланмаган ҳолатда суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги бошланмайди. Суғурта полиси суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида тақдим этилади.

Суғурталанувчи бўлган божхона брокерининг мажбуриятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғурта объектини кўздан кечириш учун имконият яратиб бериш;
- суғурта мукофотларини ўз вақтида тўлаш;
- шартнома тузилаётганда суғурталовчига суғурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамият касб этувчи ўзига маълум барча ҳолатлар ҳақида, шунингдек мазкур суғурта объекти бўйича тузилган ёки тузилажак ҳамма суғурта шартномалари тўғрисида маълумот бериш;

- суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанган мулкига зарар етказилишининг олдини олиш ва зарарни камайтириш учун зарур чораларни кўриш ва суғурталовчига суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида суғурта шартномасида кўрсатилган муддатларда хабар бериш.

Божхона брокери қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- бутун мулкни ва айрим объектларни томонларнинг қўшимча келишуви ёки янги суғурта шартномаси шартлари асосида қўшимча суғурталаш;

- суғурта ҳодисаси содир бўлганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;

- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан суғурта масалалари борасида маслаҳатлар олиш;

- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

суғурта ташкилоти қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

- шартномада белгиланган муддатларда суғурта полисини бериш ва шартнома тузишда асосланилган суғурталаш қоидалари билан таништириш;

- суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома асосида суғурта қопламаси тўлаш;

- суғурталанувчи билан бўладиган муносабатларда махфийликни таъминлаш.

Шу билан бир қаторда суғурта ташкилотининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- агар суғурта ҳодисаси:

- а) суғурталовчининг суғурта ҳодисасини келтириб чиқариш учун атайлаб қилган ҳатти-ҳаракатлари натижасида юз берган бўлса;

- б) суғурталанувчи таваккалчиликдаги жиддий ўзгаришлар ҳақида суғурталовчини бохабар қилган бўлмаса;

в) суғурталанувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурталовчига хабар бермаган ёки етказилган зарар тафсилотлари, тури ва миқдорини аниқлашда суғурталовчи ёхуд унинг вакили иштирок этишига тўсқинлик қилган бўлса;

г) суғурталанувчи зарарни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, суғурта товони тўлашни рад этиш;

- суғурта шартномасининг муддати мобайнида суғурталанган мулкнинг аҳволи ва қийматини, шунингдек суғурталанувчи ўз мулки ҳақида маълум қилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш;

- суғурталанувчидан суғурта ҳодисаси ҳақида хабар келишини кутиб ўтирмасдан, суғурта ҳодисаси етказган зарарни кўздан кечириш ва баҳолашга киришиш;

- суғурта ҳодисаси юз бериш хавфининг даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

Суғурталанувчи бўлган темир йўл транспорти корхоналари суғурта мукофотини шартномада кўрсатилган муддатда тўламаганда шартнома юридик кучини йўқотиши мумкин.

Агар суғурталанган мулкнинг йўқолиши ёки зарарланишига қуйидагилар сабаб бўлса суғурта ташкилоти суғурта жавобгарлигидан озод этилиши мумкин:

а) суғурталанувчининг мажбуриятлари кучга киргунга қадар мулкда мавжуд бўлган ҳамда суғурталанувчи ёки унинг вакилларига маълум бўлган камчилик ва нуқсонлар;

б) суғурталанган мулкдан фойдаланиш қоидаларининг суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан бузилиши натижасида зарар етказилиши;

в) суғурталанувчининг ёки унинг шартнома бўйича суғурталанган мулк ишониб топширилиши мумкин бўлган ходимларидан, вакилларида ёки бошқа шахслардан бирининг эҳтиётсизлиги, виждонсизлиги, носамимийлиги, шунингдек мулкка мулкдорлик ёхуд эгалик ҳуқуқининг қаллоблик йўли билан бошқа шахсга ўтказилиши;

г) доимий таъсир кўрсатувчи фойдаланиш омиллари (эскириш, занглаб чириш) ва об-ҳаво омиллари таъсирида ёхуд суғурталанган нарсалардан фойдаланмаслик оқибатида аста-секин зарарланиш;

д) суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;

е) енгил алангаланадиган модда ва материалларни сақлаш ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;

з) суғурталанувчи зарарланган нарсаларни ёки уларнинг қолдиқларини суғурталовчига кўрсатишдан бош тортган тақдирда, бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган нарсалар бундан мустаснодир;

и) уруш ёки уруш ҳаракатлари (уруш эълон қилингани-қилинмаганидан қатъи назар), ғалаён, инқилоб, қўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, ноқонуний йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш, суиқасд, кўпоровчилик ҳаракати, амалда ёки қонуний мавжуд бўлган ҳукуматнинг ёки бирор ҳокимият органининг фармойиши билан мусодара қилиш, реквизиция, бузиш ёки зарарлантириш, ядро реакцияси, ядро нурланиши ёхуд радиоактив зарарланиш.

Суғурта ҳодисаси содир бўлгандан сўнг божхона брокери 5 банк иши куни ичида бу ҳақда суғурта ташкилотига хабар қилиши лозим. Ёзма равишда тақдим этилган аризага суғурта полиси асл нусхаси, зарар кўрган божхона брокери миждозининг суғурта қилдирувчига талаби, етказилган зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар, мутасадди ташкилотларнинг эксперт хулосалари ва бошқалар.

Божхона брокерига эътирозлар у билан шартнома муносабатидан бўлган миждоз ва у билан шартнома муносабатида бўлмаган, бироқ етказилган зарар сабабли эътироз билдириш ҳуқуқига эга шахслар томонидан билдирилиши мумкин.

Суғурта ҳолати содир бўлган чоқда суғурталанувчи суғурта шартномасида белгиланган муддатда бу ҳақда суғурта қилувчига ёзма равишда хабар беришга мажбур.

Суғурта ҳолати содир бўлган чоғда суғурталанувчи суғурта қилувчига суғурта ҳолати содир бўлганини исботловчи барча керакли ҳужжатларни тақдим этади. Бунда суғурталанувчи суғурта қилувчига суғурта ҳолати билан боғлиқ унга маълум бўлган ёки пайдо бўлган маълумотлар ва вазиятларни хабар қилиши шарт. Суғурта қилувчи тақдим этилган ҳужжатлар ҳақиқийлигини текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурта тўлови суғурта қилувчи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат давомида суғурталанувчидан содир бўлган суғурта ҳолати ҳақида барча керакли ҳужжатларни олганидан кейин тўланади. Суғурта тўлови миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта қийматидан ошмаслиги керак. Суғурта қилувчи агарда суғурталанувчи суғурта шартномаси шартларини тегишли равишда бажармаса, суғурта тўлови қийматини камайтириш ҳуқуқига эга. Суғурта тўлови миқдори зарар ва эътироз билдирувчи томонидан қилинган сарф-ҳаражатлар, шунингдек, божхона брокери томонидан суғурта қилувчининг ёзма равишдаги розилиги билан қилинган сарф-ҳаражатлар миқдори қиймати каби аниқланади. Бироқ суғурта шартномаси суғурта қилувчининг ҳар бир суғурта ҳолати ва жабр кўрган киши томонидан билдирилган эътироз бўйича жавобгарлиги лимитини белгилаши мумкин. Агарда божхона брокерига нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта тўловини тўлаш ҳақида масалани ҳал қилиш тўхтатилади.

Божхона брокерининг бир йўла бир қанча миждозларининг зарарини қоплашда агарда унинг миқдори суғурта қилувчи жавобгарлигининг умумий лимитидан ошса (суғурта қийматининг суғурта шартномаси бўйича миқдори), суғурта тўлови ҳар бир жабрланувчига етказилган зарар қийматига нисбатан суғурта қилувчи жавобгарлигининг умумий лимитига мутаносиб равишда тўланади.

Шунингдек, суғурта шартномасида божхона брокери томонидан қопланиши лозим бўлган зарар миқдори - франшиза кўзда тутилиши мумкин. Ушбу ҳолатда компания божхона брокери томонидан франшиза

миқдорида қопланиши лозим бўлган қийматдан ошадиган зарарни қоплаш мажбуриятини қабул қилади.

Хусусий фаолият билан шуғулланувчи божхона брокерилар йўл қўйган касбий камчилик ва хатолик учинчи шахснинг иқтисодий манфаатларига путур етказиши мумкин. Бунда биринчи шахс суғурта ташкилоти; иккинчи шахс божхона брокери; учинчи шахс юридик ва жисмоний шахс ҳисобланади. Суғурта объекти-божхона брокери тамонидан учинчи шахсга етказилган моддий зарар ҳисобланади. Суғурта шартномаси “Ўзагросуғурта” бўлимлари ва хусусий фаолияти билан шуғулланувчи божхона брокерилар ўртасида тузилиб, суғурта бадали тўланган кейин кучга киради. Суғурта бадали суғурта суммасига қараб белгиланади. Агар суғурта суммаси энг иш ҳақининг 100 баробаридан 200 баробаригача миқдорга тенг бўлса, бадал 0,5 фоиз, яъни 375 сўмдан 750 сўмгача бўлиши мумкин, 200 баробаридан 1 фоиз белгиланиб, суғурта бадали 750 сўмдан 3750 сўмгача, агар 500 баробаридан ва ундан ортиқ бўлса, 1,5 фоиз суғурта бадали 3750 сўм ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Суғурта суммаси энг кам иш ҳақининг 100 баробаридан кам бўлмаслиги керак.

Суғурта шартномаси бир йилга тузилади. Кўрсатилган муддат давомида суғурта ҳодисаси юз бериб, суд қарори асосида суғурталанувчиларнинг жавобгарлиги аниқланса, у ҳолда суғурта ташкилоти кўзда тутилган қопланмани (суғурта суммасини) суғурталанувчига ўтказди. Агарда суғурталанувчи сохта хужжатлар тақдим қилинса ёки унинг айби билан зарар кўрилмаган бўлса ёки қасддан амалга оширилса, у ҳолда суғурталанувчи суғурта қопланмасини тўламайди.

Нотариус ҳаракатига билдирилган эътирозлар, шикоятлар, аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд ёки бошқа сарф-ҳажатлар агарда ушбу сарф-ҳажатлар суғурталанувчи зиммасига юклатилган бўлса, суғурта

килувчи томонидан суғурта қилувчи жавобгарлиги лимити доирасида қопланади.

Суғурталанувчи суғурта тўловига суғурта шартномасига амал қилиш бекор қилинганидан кейин суғурта қилувчи ундан суғурта шартномасига амал қилиш даврида суғурта ҳолати тўғрисида эътироз (билдириш) олган бўлсагина, эга бўлиши мумкин. Пул маблағлари суғурта қилувчининг ҳисобрақамидан суғурталанувчи ҳисобрақамига ўтказилган кун суғурта тўлови тўлаш куни ҳисобланади.

Суғурта қилувчи қуйидаги ҳолларда суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш ҳукукига эга: агарда суғурталанувчи ёлғон маълумотлар тақдим этган ва улар асосида суғурта шартномаси тузилган бўлса; агарда зарар суғурталанувчи айби билан етказилмаган бўлса; агарда зарар суғурта қилувчи ёки унинг миждозининг бевосита ғаразли нияти сабабли етказилган бўлса; агарда суғурталанувчи Божхона брокери ҳаракатларни қонуний муддатлардан ташқари амалга оширган бўлса (лицензияни чақириб олиш, лицензиянинг амал қилиш муддати тугаши); агарда суғурталанувчи суғурта қилувчининг суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳаракатларни амалга оширишига рози бўлмаса ёки бошқача йўл билан тўсқинлик қилса; агарда суғурталанувчи суғурта қилувчига суғурта ҳолати содир бўлгани тўғрисида ўз вақтида хабар бермаса.

Агарда суғурта тўлови тўланганидан кейин ушбу тўлов божхона брокери ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан ғаразли ҳаракатлар натижасида ёлғон йўллар билан олинганлиги аниқланса, тўланган маблақнинг ҳаммаси уни тўлаган суғурта қилувчига қайтарилади. Суғурта қилувчи ва суғурталанувчи ўртасида юзага келадиган барча тортишувлар музокаралар йўли билан, ўзаро келишувга эришилмаса, судда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг йигирманчи моддасига биноан шахсий амалиёт билан шуғулланувчи божхона брокери Ўз фаолияти суғурта қилиш шартномасини тузишга

мажбур. Нотариус Ўз мажбуриятларини суғурта шартномасини тузмасдан туриб бажариш ҳуқуқига эга эмас.

Божхона брокерининг қонунчилик томонидан белгиланган тартибда учинчи шахсга Божхона брокери фаолиятни амалга оширишда етказилган зарарни қоплашга доир мажбуриятлари билан мулк манфаатлари суғурта объектлари ҳисобланади.

Божхона брокерларининг касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси шартларига мувофиқ суғурта қилувчи суғурталанувчи томонидан суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта мукофотини тўлаганидан кейин суғурталанувчига суғурта шартномасининг амал қилиниш даврида аҳамиятга эга бўлган божхона брокери ҳаракатларни қонунга хилоф равишда амалга оширишган (ёки керакли божхона брокери ҳаракатлари бажармаган) суғурта қилувчи Ўз касбий мажбуриятларини тегишли тарзда бажармагани оқибатида юзага келган эътирозлар бўйича зарарни қоплаш мажбуриятларини қабул қилади.

Суғурта қилувчининг зарарни қоплаш мажбурияти божхона брокери миждозларига божхона брокери томонидан ўзининг касбий мажбуриятларини амалга оширишдаги эътиборсиз ҳаракатлари, хатолари ёки керакли Божхона брокери ҳатти-ҳаракатларни бажармаслиги натижасида юзага келган зарар етказилган ҳолатларда пайдо бўлади. Суғурта қилувчи одатда амалдаги қонунчиликка номувофиқ тарзда амалга оширилган божхона брокери ҳаракатлар ёки суғурталанувчининг ғаразли ниятида керакли божхона брокери ҳаракатларни бажармаслик натижасида етказилган зарарни қопламайди. Божхона брокерининг ғараз нияти суднинг қонуний кучга қарори ва ҳукми билан аниқланади. Бунда суғурталанувчининг ҳаракатларида қараз ният борлигини исботлаш суғурта қилувчи зиммасига юкланади.

Суғурта ҳолати суғурталанувчининг зарарни қоплаш мажбурияти белгиланган пайтдан бошланади. Одатда суғурта ҳолати божхона брокерига учинчи шахсга у томонидан бажарилган ноқонуний Божхона

брокери ҳаракатлар, хатолар ёки керакли божхона брокери ҳаракатларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашни юклайдиган суд органининг қарори кучга киргач, бошланган ҳисобланади. Суғурта шартномасида суғурта ҳолатини бегилаш ва миждонинг божхона брокерига зарарни қоплаш талаби билдирилган эътироз асосли бўлганда, уни суғурта йўли билан тўлаш мажбурияти кўзда тутилади. Суғурта ҳолатини аниқлаш суғурта шартномасида аниқ баён этилиши шарт.

Божхона брокерининг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси божхона брокерининг ёзма аризаси асосида тузилади. Аризада одатда божхона брокери ҳақида суғурта хавфи даражасини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга маълумотлар, яъни касбий жавобгарлиги суғурта қилинаётган шахснинг исми шарифи, касби, касбий фаолиятини бошланган сана, шахсий божхона брокери амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқи берувчи лицензияни олиш санаси ва рақами, почта манзили, телефон, факс, телекс кўрсатилган, ариза бериш пайтида божхона брокери фаолияти суғурталангани, аввал тузилган суғурта шартномаси тўхталиши нимага боғлиқлиги, божхона брокерининг касбий фаолиятига таалуқли ва хатолар, эҳтиётсизлик ёки камчиликлар билан боғлиқ эътироз билдирилган маълумотлар кўрсатилади.

Божхона брокерининг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси божхона брокери касбий фаолиятини амалга оширишда Ўз ҳаракатлари учун жавоб бергандагина, шахслар фойдасига тузилаган ҳисобланади. Суғурта шартномасини тузишда фойда олувчилар суғурталанувчи ёки суғурта қилувчига маълум қилинмайди. Шундай бўлсада, суғурта шартномасида у кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган бўлса ёки шартнома божхона брокери ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлса ҳам суғурта тўлови олиш ҳуқуқига эга фойда олувчи фақатгина божхона брокери унинг олдида жавобгар бўлган шахс бўлиши мумкин.

Суғурта шартномаси одатда бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилади. Суғурта шартномаси агарда шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, суғурталанувчи томонидан барча суғурта тўловлари тўланганидан кейин кучга киради.

Суғурта шартномасининг амал қилиниши шартномада кўрсатилган муддатда ёки суғурталанувчи томонидан суғурта қиймати бўйича суғурта тўлови тўланган ёхуд суғурталанувчи томонидан суғурта манфаатини йўқотган ҳолатда тўхтатилади. Суғурталанувчининг суғурта манфаатдорлиги божхона брокери ваколатини тўхтатганда йўқотилган саналади. Ушбу ҳолатда суғурталанувчи суғурта қилувчига бу ҳақида ёзма билдиришнома ва суғурта манфаатдорлик йўқолганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Шартномани суғурталанувчининг суғурта манфаатдорлиги йўқотганлиги натижасида муддатида олдин тўхтатишда суғурта қилувчи суғурталанувчига суғурта тўловини суғурта шартномасининг бекор қилинишининг ҳақиқий санасидан унда кўрсатилган амал қилиш санасигача қолган муддатга мутанносиб тарзда қайтаради.

Одатда суғурта шартномасида суғурталанувчининг қуйидаги мажбуриятлари кўзда тутилади: суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатларини аниқлаш учун барча имкони бор ва мақсадга мувофиқ чора-тадбирларни қабул қилиш; суғурта қилувчини унга суғурта ҳолати муносабати билан билдирилаётган барча эътироз ҳақида кечиктирмасдан (суғурта шартномасида келишилган муддатда) хабардор қилиш; суғурта қилувчига суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатлари, етказилган зарар хусусиятлари ва миқдори ҳақида муҳокама қилиш имконини берадиган барча ахборотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиш.

Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта қилувчи унга суғурталанувчи номидан зарарни ундириш тўғрисида талаб қайд этилган эътирозлар билдирилган ҳолатда музокаралар олиб бориши ва етказилган зарарни қоплаш ҳақида битим тузиш, суғурта ҳолати ҳолатлари ва сабабларини ёки

суғурталанувчининг розилигини кутмасдан зарар миқдорини аниқлаш учун чоралар кўриш, шунингдек, суд ва бошқа ваколатли органларда суғурталанувчи номидан ҳамда топшириғи бўйича иш юритиш ҳуқуқига эга.

Агарда божхона брокери рози бўлмаса ёки бошқа тарзда қайд этилган ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилса, суғурта қилувчи суғурта тўловини тўлашдан бош тортиши мумкин.

Божхона брокерининг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасида суғурта тўловини тўлаш муддатлари аниланади. Суғурта тўловининг миқдори суғурта шартномасига мувофиқ белгиланади ва суғурта қиймати миқдorigа боғлиқ бўлади.

Суғурта мукофоти тариф ставкаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва танланган суғурта қийматига боғлиқ бўлади. Суғурта тарифлари статистика маълумотлари, суғурта бозори конъюктураси, таваккалчилик даражаси, суғурта қилиш муддати ва суғурта қиймати миқдори ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Бундан ташқари, суғурта мукофоти миқдори божхона брокери томонидан касбий ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва амалга оширилаётган Божхона брокери ҳаракатлар турлари муносабати билан эътирозларни қонунда белгиланган тартибда қондириш тўғрисида маълумотлар нақдлигига боғлиқ бўлади. Нотариус ижро хатларини амалга ошириш чоғида суғурта қилувчи оширувчи коэффицентларни қўллаши мумкин.

Ҳисоблаб чиқарилган суғурта тўлови суғурталанувчи томонидан бир йўла ёки қисман нақд ёхуд нақдсиз йўли орқали шартнома тузилган кундан бошлаб келишилган муддат ичида киритилиши мумкин. Суғурта тўлови тўлиқ ўтказилмаган ҳолатда эса суғурта қиймати суғурта тўловининг тўланган қисмига мутаносиб равишда камаяди.

Суғурта тўлови суғурта қилувчи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат давомида суғурталанувчидан содир бўлган суғурта ҳолати ҳақида барча керакли ҳужжатларни олганидан кейин тўланади.

Суғурта тўлови миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта қийматидан ошмаслиги керак. Суғурта қилувчи агарда суғурталанувчи суғурта шартномаси шартларини тегишли равишда бажармаса, суғурта тўлови қийматини камайтириш ҳуқуқига эга. Суғурта тўлови миқдори зарар ва эътироз билдирувчи томонидан қилинган сарф-ҳаражатлар, шунингдек, божхона брокери томонидан суғурта қилувчининг ёзма равишдаги розилиги билан қилинган сарф-ҳаражатлар миқдори қиймати каби аниқланади. Бироқ суғурта шартномаси суғурта қилувчининг ҳар бир суғурта ҳолати ва жабр кўрган киши томонидан билдирилган эътироз бўйича жавобгарлиги лимитини белгилаши мумкин. Агарда божхона брокерига нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта тўловини тўлаш ҳақида масалани ҳал қилиш тўхтатилади.

Божхона брокерининг бир йўла бир қанча мижозларининг зарарини қоплашда агарда унинг миқдори суғурта қилувчи жавобгарлигининг умумий лимитидан ошса (суғурта қийматининг суғурта шартномаси бўйича миқдори), суғурта тўлови ҳар бир жабрланувчига етказилган зарар қийматига нисбатан суғурта қилувчи жавобгарлигининг умумий лимитига мутаносиб равишда тўланади.

Шунингдек, суғурта шартномасида божхона брокери томонидан қопланиши лозим бўлган зарар миқдори - франшиза кўзда тутилиши мумкин. Ушбу ҳолатда компания божхона брокери томонидан франшиза миқдорида қопланиши лозим бўлган қийматдан ошадиган зарарни қоплаш мажбуриятини қабул қилади.

Суғурта қилувчи қуйидаги ҳолларда суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга: агарда суғурталанувчи ёлғон маълумотлар тақдим этган ва улар асосида суғурта шартномаси тузилган бўлса; агарда зарар суғурталанувчи айби билан етказилмаган бўлса; агарда зарар суғурта қилувчи ёки унинг мижозининг бевосита ғаразли нияти сабабли етказилган бўлса; агарда суғурталанувчи Божхона брокери ҳаракатларни қонуний муддатлардан ташқари амалга оширган бўлса (лицензияни чақириб олиш,

лицензиянинг амал қилиш муддати тугаши); агарда суғурталанувчи суғурта қилувчининг суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳаракатларни амалга оширишига рози бўлмаса ёки бошқача йўл билан тўсқинлик қилса; агарда суғурталанувчи суғурта қилувчига суғурта ҳолати содир бўлгани тўғрисида ўз вақтида хабар бермаса.

Агарда суғурта тўлови тўланганидан кейин ушбу тўлов божхона брокери ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан ғаразли ҳаракатлар натижасида ёлғон йўллар билан олинганлиги аниқланса, тўланган маблағнинг ҳаммаси уни тўлаган суғурта қилувчига қайтарилади. Суғурта қилувчи ва суғурталанувчи ўртасида юзага келадиган барча тортишувлар музокаралар йўли билан, ўзаро келишувга эришилмаса, судда ҳал этилади.

2. Аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталашда даъволарни кўриб чиқиш амалиётини такомиллаштириш

Аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича даъволарни кўриб чиқиш тартиби умум қабул қилинган тамойилларга мос келади. Шу боис мазкур параграфда суғурта даъволарининг умумий жиҳатларига эътиборни қаратамиз.

Суғурта даъвоси деганда суғурта ходисаси рўй берганда суғурталанувчи зарарини қоплаш мақсадида суғурталовчига ёзма мурожаат этиш тушунилади. Суғурта компанияларида суғурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистонда суғурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги

Қонуни ва бошқа тегишли меъёрий-ҳужжатлар.

Суғурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 951-моддасида суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида суғурталовчини хабардор қилиш тартиби берилган. Унда мулкый суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Агар шартномада хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозим. Агар наф олувчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича суғурта товонига бўлган ҳуқукдан фойдаланиш ниятида бўлса, айти шундай мажбурият наф олувчи зиммасида бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг бажарилмаслиги суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёхуд бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар, агар суғурталанган шахснинг вафоти ёки унинг соғлиғига зарар етказилиши суғурта ҳодисаси бўлса, тегишли суратда шахсий суғурта шартномасига нисбатан қўлланилади. Бунда суғурталовчини хабардор қилишнинг шартномада белгиланадиган муддати йигирма кундан кам бўлиши мумкин эмас.

Кодекснинг 955-моддаси суғурта товони ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисида бўлиб, унда суғурталовчи мулкый суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчига (наф олувчига) суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли, чунончи:

суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шу жумладан ушбу Кодекснинг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинганда;

суғурта шартномаси ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганда;

суғурталовчи ушбу Кодексининг 951-954-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича суғурта товонини ёки суғурта пули тўлашдан озод қилинганда;

суғурталовчи ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ходисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган зарар миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилгани туфайли суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво қўзғатганида.

2-диаграмма



Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад

этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этишига қарши унга нисбатан судда даъво қўзғатиш йўли билан эътироз билдирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексининг 277-моддасида фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳолати кўрсатилган. Фуқаровий даъво қўзғатилган ҳолларда содир этилган қилмиш оқибатида шахсга мулкӣ зиён етказилган деб ҳисобласа, уни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарорнинг ёки ажримнинг нусхаси даъвони қўзғатган шахсга ёки унинг вакилига тақдим этилади. Бунда фуқаровий даъвогарга ушбу Кодекснинг 57-моддасида тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса, қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Мазкур кодекснинг 283-моддасида суднинг фуқаровий даъвога оид ҳукми ва ажрими ҳқида тушунтирилган. Унда айблов ҳукмини чиқаришда, шунингдек тиббӣ йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ёки содир этган қилмишнинг хусусиятига ва ўзининг руҳӣ ҳолатига кўра шахс ижтимоӣ хавфли бўлмаган ҳолларда бундай чорани қўлламаслик ҳқида ажрим чиқаришда суд асосларнинг исботланиши ва даъво ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёхуд уни қаноатлантиришни рад этади.


Суд оқлов ҳукмини чиқараётганда, шунингдек тиббӣ йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича ишни тугатиш ҳқида ажрим чиқараётганда фуқаровий даъвони қондиришни қуйидаги ҳолларда рад этади, башарти:

- 1) жиноят ёки ижтимоӣ хавфли қилмиш ҳодисаси юз бермаган бўлса;

2) судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг содир этилган жиноятга ёки ижтимоий хавфли қилмишга дахли йўқлиги аниқланган бўлса;

3) судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг мулкӣ зиён келтирган ҳаракати зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилган бўлса.

3-диаграмма



Судланувчи томонидан содир этилган қилмиш жиноят деб топилмаганлиги сабабли у оқланган тақдирда, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан бошқа асосларга кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритиш тугатилганда суд даъвонинг исботланиш даражаси ва ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этади.

Даъвонинг ҳажми жиноят тавсифига ва айбдорга жазо чораси тайинлашга таъсир этмаса, фуқаровий даъвони қаноатлантиришда суд даъво талаби чегарасидан чиқишга ҳақлидир.

Жиноят процессида қўзғатилган фуқаровий даъво қаноатлантирилмаган тақдирда даъвогар шу шахсга ва худди шу асослар бўйича фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига кўра, тугатилаётган суғурталовчи кредиторларининг талабларини қаноатлантириш навбати бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

Тугатилаётган суғурталовчи кредиторларининг талаблари тугатишни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек тугатиладиган суғурталовчининг асосий вазифаларини таъминлаш заруратидан келиб чиқадиган харажатлар тўланганидан сўнг қуйидаги тартибда қаноатлантирилади:

биринчи навбатда – ҳаётни суғурта қилиш соҳасида мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта қилдирувчиларнинг талаблари;

иккинчи навбатда – суғурта қилдирувчиларнинг бошқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

учинчи навбатда – бошқа суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

тўртинчи навбатда – бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича талаблар. Кўрсатилган талаблар тўлиқ қаноатлантирилгандан кейин ижтимоий суғурта бўйича талаблар ҳамда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблари қаноатлантирилади;

бешинчи навбатда - суғурталовчининг бошқа кредиторлари талаблари.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган етакчи суғурта ташкилотларидан бири “Ўзагросуғурта” Давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан суғурта тўловлари амалга оширилмоқда. “Ўзагросуғурта” ДАСК “Суғурта фаолияти классификатори”га мувофиқ 1-класс (Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш)га лицензия олган. Суғурта компанияси томонидан мазкур суғурта класс бўйича мамлакатимиз аҳолисига суғурта хизмати кўрсатилмоқда. “Ўзагросуғурта” ДАСК томонидан “Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш” суғурта тури бўйича қуйидагича суғурта товонини тўлаш тартиби амалга оширилади.

Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш шартномалари бўйича тўлов суғурта қилдирувчи билан суғурта шартномаси тузган суғурталовчи томонидан амалга оширилади.

Суғурта ҳодисаси бўйича суғурта товонини олиш учун ариза билан суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз берганлигини тасдиқловчи даволаш муассасасининг 195 (4) – шаклли маълумотномаси билан мурожаат қилиши мумкин.

Суғурта қилдирувчининг юмшоқ тўқималари, қулоғи, кўзи, сийдик, жинсий аъзолари шикастланганда суғурталовчи шикастланиш оқибатларини аниқлаш мақсадида уни тиббий кўрикдан ўтказиш учун мутахассис шифокор ҳузурига юбориши лозим.

Бундан ташқари ариза билан суғурта полиси, зарур ҳолларда рентген суръати, тергов ташкилотларининг ҳужжатлари ва бошқалар илова қилинади.

Рентген суръатида суғурта қилдирувчининг исми, шарифи, ёши, текширилган сана ва рақами кўрсатилган ёзув бўлиши керак.

Суғурта қилдирувчининг кўриш ёки эшитиш аъзолари жароҳат олган бўлса, кўриш ва эшитиш аъзоларини жароҳатдан олдинги ва кейинги ҳолати тўғрисидаги маълумот тиббий муассасадан олинади.

Суғурта қилдирувчилардан бири вафот этганда Суғурта товони ворисларга ёки манфаатдорларга тўланади.

Суғурталанганнинг вафот туфайли манфаатдор шахс ариза билан бирга суғурта полисини ва Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан берилган ўлими тўғрисидаги гувоҳномани нотариал идорадан тасдиқланган нусхасини беради.

Ворислари эса ариза билан бирга суғурта полисини ва Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан берилган ўлими тўғрисидаги гувоҳномани нотариал идорадан тасдиқланган нусхасини ҳамда ворислик ҳуқуқи тўғрисида нотариал идора берган гувоҳномани беради.

Суғурта товони олувчининг банкдаги омонатига ўтказиш, банкга чек бериш ёки алоқа воситаси орқали тўланади.

Балоғат ёшига етмаганларга уларнинг банкдаги омонатига пул ўтказиш йўли билан тўланади ва бу ҳақда васийлик ва ҳомий шахсга ёки ташкилотларига маълум қилинади.

Суғурта ҳодисалари муносабати билан илгари маълум миқдорда суғурта пули тўланган бўлса, бу пул тўланадиган суғурта товонидан ушлаб қолинади.

Суғурта қилдирувчилардан бири, бирини қасддан ўлдирса ёки атайлаб унга тан жароҳати етказса ва бунинг натижасида вафот этса суғурта товони суғурта қилдирувчини ворисларига тўланади.

Суғурта қилдирувчидан суғурта товони тўлаш тўғрисидаги аризани олгандан сўнг тўлашга қарор қабул қилиш учун керакли ҳужжатларни 3 кун ичида сўраб олиш лозим.

Бўлимга юз берган жароҳат туфайли суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги ариза келиб тушгандан сўнг, бўлимнинг ушбу ишга бириктирилган масъул ходими суғурталанганни жароҳат олган кунини (кун, ой, йил) аниқлиги, жароҳатни қайси сабаб ва қачон ким томонидан олган, қачон ва ким томонидан ёрдам кўрсатилган, жароҳатдан сўнг

даволанганми ва қаерда, даволаниш муддати ва бошқаларни тўғри ва тўлиқ тўлдирилганлигини текширади.

Шунингдек аризада тўланиши керак бўлган суғурта товонини ўтказиш учун банкнинг номи ва суғурталанганнинг банкдаги омонати рақами кўрсатилади.

Суғурталанган шахс ёки суғурта қилдирувчи вафот этганда суғурта товони тўлашга суғурталовчи мустақил равишда қарор қабул қилади.

Суғурталовчи суғурталанган шахснинг ёки суғурта қилдирувчининг вафоти муносабати билан суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги аризани олгандан сўнг бор ҳужжатларни текширади.

“Суғурта товонини рўйхатга олиш китоби”га қайд қилинган сана ва рақам суғурта полисида ва тўлаш тўғрисидаги аризада кўрсатилади.

Суғурта ҳодисаси рўй берган пайтда суғурта шартномаси кучдалигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисоб китоб бўлимидан олинади.

Суғурта товони миқдорини аниқловчи масъул шахс ҳисоб китоб бўлимидан бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш шартномаси бўйича суғурта мукофоти олинганлигини тасдиқловчи 159-шаклли маълумотномани 1-нужасини олади. Маълумотномага қўйилган рақам ва берилган сана рўйхатли топшириқномани охириги устунда кўрсатилади.

Суғурта шартномаси битта умумий суғурта полиси билан расмийлаштирилган бўлса, у ҳолда суғурта полиси нужасининг орқа томонида суғурта қилдирувчининг исми, шарифи кўрсатилган қатордаги суғурта пулининг тагига 159 - шаклли маълумотномани рақами серияси ва берилган санаси кўрсатилади.

Суғурта қилдирувчи суғурталовчига суғурта шартномаси кучга киргунга қадар ва суғурта муддати тугагандан сўнг жароҳат олиб мурожаат қилса, суғурталовчи суғурта қилдирувчидан ҳеч қандай ҳужжатлар сўрамай 3 кун муддат ичида суғурта товонини тўламаслик сабабларини тўлиқ тушунтирган ҳолда ёзма равишда рад жавобини беради.

Суғурта қилдирувчидан суғурта товонини тўлаб бериш тўғрисидаги ариза олинган кунгиде “Суғурта товонини рўйхатга олиш китоби”га қайд қилинади.

Суғурта қилдирувчининг ёки суғурталанган шахснинг вафоти туфайли тўланадиган ҳамда меҳнат лаёқатини йўқотиш (соғлиқга зарар етиши) муносабати билан тўланадиган тўловлар алоҳида тури бўйича “Суғурта товонини рўйхатга олиш китоби”да алифбо тартибида юритилади.

Суғурта қилдирувчи суғурта товонини тўлаб бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, суғурта полисини тақдим қилмаса, суғурта шартномаси аниқ тузилганлигини текширгандан сўнг тўлаб берилади.

Суғурта ҳодисаси туфайли тўланадиган суғурта товони “Суғурта ҳодисаси муносабати билан суғурта тўловини таъминлаш” жадвали бўйича биноан аниқланади.

Суғурта товонини суғурталовчи барча керакли ҳужжатларни олгандан сўнг 3 кун ичида тўлайди. Суғурталовчини айби билан суғурта товонини тўлашда кечиктирилган ҳар бир кун учун суғурта қилдирувчига тўланиши керак бўлган пулдан 0,1 фоиз миқдорида жарима (пеня) тўланади, аммо унинг миқдори тўланадиган суғурта товонининг 10 (ўн) фоизидан ошмаслиги лозим.

Суғурта шартномаси кучда бўлган даврда суғурта қилдирувчи олган жароҳати туфайли суғурта ҳодисаси рўй берган кундан бир йил ичида вафот этса манфаатдор шахсга ёки унинг ворисларига суғурта товони тўланади. Аввал бирор бир суғурта товони тўланган бўлса у ҳолда тўланаётган пулдан ушлаб қолинади. Умумий тўланган пул суғурта пулидан ошмаслиги керак. Суғурта шартномасини тузган шахсга нисбатан қасддан тан жароҳати етказилса ва бунинг натижасида у вафот этса, суғурта товони суғурта қилдирувчининг ворисларига тўланади.

Биз олдинги бобларимизда аудитор ва божхона брокериларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш механизми хусусида батафсил

тўхталиб ўтган эдик. Ушбу параграфда адвокатларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан танишамиз. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, аудиторлар ва божхона брокерларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш “Ўзбекинвест”, “Кафолат”, “Ўзагросуғурта” суғурта компаниялари томонидан амалга ошириляпти.

III боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан божхона брокерларининг касбий жавобгарлиги суғурта ҳимоясига олинади. Божхона брокери деганда вакил қилинган шахс ёки ўз номидан божхона ҳужжатларини расмийлаштириш, божхона ишлари бўйича бошқа воситачилик функциясини амалга оширадиган юридик шахслар тушунилади. Божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталашда наф олувчи тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки, божхона брокерлари ўз фаолиятларини амалга оширишларида мижозларга, яъни божхона брокерининг хизматларидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахсларга моддий зарар етказишлари мумкин. Кўриниб турибдики, мазкур суғуртанинг моҳияти ҳам шу билан боғлиқки, божхона брокери ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида мижозлар олдидаги касбий жавобгарлигини суғурталашлари зарур бўлади.

Суғурта даъвоси деганда суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталанувчи зарарини қоплаш мақсадида суғурталовчига ёзма мурожаат этиш тушунилади. Суғурта компанияларида суғурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистонда суғурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси;

- Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги
Қонуни ва бошқа тегишли меъёрий-ҳужжатлар.

Хулоса

Республика Президенти И. Каримов ва ҳукуратимиз суғурта соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Буни ўтган 2002-2012 йиллар давомида қабул қилинган фармон ва қарорлардан ҳам билиб олиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, жавобгарликни суғурта қилиш – суғурта соҳасининг нисбатан янги тармоғи бўлиб ҳисобланган ва биз томондан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари бу йўналишда бир қатор муаммолар борлигини кўрсатди.

Жавобгарликни, касбий жавобгарликни суғурталаш юзасидан магистрлик диссертация ишини ёзиш натижасида биз қуйидаги хулосаларга келиш ва муайян таклифларни ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлдик.

1) Суғурта мустақил иқтисодий категория сифатида юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ ҳамда шахсий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир. Суғурта соҳасида амалга оширилган ислохотлар суғурта хизматларига, шу жумладан жавобгарликни суғурталаш юзасидан талабни шаклланишига олиб келди.

2) Касбий жавобгарликни суғуртаси жавобгарлик суғуртасининг тармоғи бўлиб, айрим тоифадаги касб эгаларининг ўз хизмат фаолиятларини амалга оширишлари натижасида учинчи шахсларга зарар етказиш эҳтимоллиги суғуртавий ҳимоя этиш воситасидир. Илмий-тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, касбий жавобгарликни суғурталаш Ўзбекистонда талаб даражасида эмас, ваҳоланки, касбий жавобгарликни суғурталаш манфаатдорлар томонлар учун катта аҳамиятга эга.

3) Баъзи тоифадаги касб эгалари, жумладан аудиторлар ва божхона брокерларининг касбий маҳоратининг пастлиги ва соҳани чуқур билмаслиги оқибатида учинчи шахсларга зарар етказишади. Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғуртасида мавжуд бўлган

суғурта тариф ставкаларини белгилашда аудиторларнинг маълумоти, иш стажи ва амалий тажрибасига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Биз, аудиторларнинг касбий жавобгарлик суғуртаси буйича тариф ставкаларини белгилашда аудиторларнинг маълумоти, амалий тажрибаси ва иш стажини хисобга олишни таклиф этамиз.

4) Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғуртаси бўйича олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатдики, биринчидан, бу суғурта тури ихтиёрий шаклда оширилади, иккинчидан, ушбу суғурта турини ўтказишда Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг имкониятларидан тўлақонли фойдаланилмаяпти. Биз аудиторларда касбий жавобгарликни суғурта қилдирганлик тўғрисида суғурта полиси бўлган тақдирда, уларни Аудиторлар палатасига аъзо бўлишларини таклиф этамиз.

5) Божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида мажбурий эканлиги кўрсатилган бўлсада, божхона брокерларнинг касбий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари ишлаб чиқилмаган. Биз, божхона брокерларнинг касбий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини таклиф этамиз.

6) Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, божхона брокерларнинг касбий жавобгарликни суғурта қилиш бўйича суғурта суммаси энг кам ойлик иш ҳақини 100 бараваридан кам бўлмаслиги керак. Аммо, бизнингча бу етарли эмас. Чунки, баъзи пайтларда божхона брокерининг нотўғри ҳатти-харакати натижасида учинчи шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 барабаридан кўп миқдорида моддий ва маънавий зарар етказиши мумкин. Биз суғурта суммаси миқдорини камида энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробар миқдорида белгилашни таклиф этамиз.

7) Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари мамлакатимизда божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича тариф ставкалари унчалик илмий асосланмаганлигини кўрсатди. Шундан келиб чиққан ҳолда божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини

суғурталаш бўйича тариф ставкаларини эҳтимоллар назарияси, математик статистика ва актуар ҳисоб-китобларга таянган ҳолда ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

8) Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашда суғурта тарифи ставкасини жавобгарлик ҳажмига нисбатан фоизларда белгилашни таклиф этамиз.

9) Маълумки, айрим тоифа мутахассислар ўз касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида учинчи шахсларга зарар келтириши ва уни қоплаш бўйича жавобгар бўлиши мумкин. Иш ҳақининг ва меҳнатга бўлган рағбатнинг пастлиги баъзан касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида учинчи шахсларга зарар етказиш шарт-шароитини яратади.

Мавжуд амалиётни таҳлил этиш натижалари касбий жавобгарликни суғурталаш борасида ягона ёндашув мавжуд эмаслигини кўрсатди. Қонунчилик ҳужжатларида шифокорларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш юзасидан тегишли меъёрлар кўрсатилмаган бўлса, бошқа қонунларда айрим тоифа мутахассисларнинг касбий жавобгарлигини суғуртаси мажбурий эканлиги қайд этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ, божхона брокерининг касбий жавобгарлигини суғурталаш мажбурий ҳисобланади ва шартнома бўйича энг кам суғурта суммаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган энг кам иш ҳақининг юз баравар миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Қонунчилик ҳужжатларида айрим тоифа фуқароларнинг касбий жавобгарлиги мажбурий шаклда ўтказилиши кўрсатилган бўлсада, уни ижросини таъминлаш юзасидан қонун ости ҳужжатлари қабул қилинмаган. Масалан, аудиторлар, божхона брокериларларнинг касбий жавобгарлиги мажбурий суғурталаниши белгиланган ҳолда тегишли Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биз касбий жавобгарлик суғуртасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 21 апрель.
3. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2009 йил 16 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». 2002 йил 28 май (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни.// www.Lex.uz.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимача чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-872-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сон Қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
15. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009.- 24 б.
16. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011й.-528 бет.
17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

IV. Асосий адабиётлар

18. 19. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование: учебник. – М.: изд-во «Дашков и К», 2009. – 480 стр.
19. Страхование: учебник/Под ред. Проф. Т.А.Федоровой. – СПб.:Магистр , 2008.-768 с.
20. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит». Под.ред.В.В.Шахова. – М.: изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2009. – 511 стр.
21. Ochilov I., Sultonov D. Sug‘urta hisobi va hisoboti. O‘quv qo‘llanma. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010y. – 224 bet.
22. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: “PRINTXPRESS ”, 2010 й. – 208 бет.
23. Самарова Е. Страховая математика: практический курс. Учебное пособие. – М.: “ИНФРА – М ”, 2009 г. – 80 стр.
24. Страхование. Учебник / под ред. Т.А.Федоровой. – М.: “Магистр ”, 2009 г. – 1006 стр.
25. Рыбин В. Основы страхования. Учебное пособие. – М.: “КНОРУС ”, 2010 г. – 240 стр.
26. Никулина Н. Страховой маркетинг. Учебной пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА ”, 2009 г. – 503 стр.
27. Никулина Н. Страхование. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2008 г. – 511 стр.

28. Сербиновский Б. Страхование дело. Учебное пособие. – Ростов н/Д: “Феникс ”, 2010 г. – 476 стр.
29. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник. – М.: “Экономика”, 2010 г. - 751 стр.
30. Страхование: учебник для студентов, Обучающихся по специальностям “Финансы и кредит”, “Бухгалтерский учет, анализ и аудит” / под. ред. В.В. Шахова, Ю.Т. Ахвледиани. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2010 г.- 511 стр.

V. Қўшимча адабиётлар

31. Гаврилова С. Страхование: Учебное пособие. – М.: “Эксмо”, 2010 г. – 304 стр.
32. Галаганов В. Основы страхования и страхового дела: учебное пособие. – М.: “КНОРУС ”, 2010 г. – 224 стр.
33. Денисова И. Страхование. Учебник. – М.: ИКЦ “МарТ ”, 2009 г. - 240 стр.
34. Игошин Н. Страхование право. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, - 2010 г. – 167 стр.
35. Короткова Ю.Е. Краткий курс по страхованию. Учебное пособие. – М.: Изд. “Окей – книга ”, 2010 г. – 176 стр.
36. Кузнецова И. Страхование жизни имущества граждан. Практическое пособие. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г. – 228 стр.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

37. Анализ рынка ОСГО Узбекистана за 2009 год.//Бизнес-вестник Востока, 28 января 2010 года №5 (1218), стр.14-15.
38. Большинство страховых претензий удовлетворяется. – Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.

39. Гребенщиков Э.С. Финансовый кризис в мире: последствия и уроки для страхового бизнеса, регуляторов и страхователей// Финансы, №3 2009 г. с.53-54.
40. Икромов О.Г., Гайбуллаев Б. Ремни финансовой безопасности (обзор страхового рынка – 2008)// Экономическое обозрение, №5-6, 2009 г. С.86-91.
41. Икромов О.Г. Страхование: вчера, сегодня, завтра// Народное слово, 3 июля 2009 г. С.1-2.
42. Имамов Ш.Б. Страхование как средство против кризиса// Народное слово, 5 августа 2009 г. С.1-2.
43. Итоги страхового рынка за I полугодие 2009 г.//Бизнес-вестник Востока, №54 2009 г., с.12.
44. Обзор страхового рынка Узбекистана по итогам 2010 года//Бизнес-вестник Востока, №3-4/1 13 января 2011 года. стр.8.
45. Узагросугурта”: страховая защита по всему Узбекистану//Бизнес-вестник Востока, №30, 14 апреля 2011 г. – стр.5.
46. Узбекинвест”: стратегия успешного бизнеса//Бизнес-вестник Востока, №32, 21 апреля 2011 г. –стр.7.
47. Страховая компания “Кафолат”: 14 лет успешного роста// Бизнес-вестник Востока, №29 12 апреля 2011 г. –стр.4.
48. Мажбурий суғурта афзалликлари//Халқ сўзи, 2009 йил 25 апрель.
49. Фонд ОСГО подвел предварительные итоги за 2009 год. //Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.
50. Икромов О.Г., Шеннаев Х.М. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори: ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари.// “Молия” журнали, 2008 йил 1-сон.
51. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
52. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.
53. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта

килиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

VII. Интернет сайтлари

54. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
55. <http://www.UzReport.com> (“SAIPRO” ахборот-рейтинг агентлиги).
56. <http://www.agros.uz> (“Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
57. <http://www.uzbekinvest.uz> (“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси).
58. <http://www.kafolat.uz> (“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
59. <http://www.alfainvest.uz> (“Альфа инвест” суғурта компанияси).
60. <http://www.alskom.uz> (“Алском” суғурта компанияси).
61. <http://www.kapitalsugurta.uz> (“Капитал суғурта” суғурта компанияси).
62. <http://www.allinsurance.ru> (Россия Федерациясининг суғурта бўйича сайти).
63. <http://www.expert.ru> (Россия Федерацияси рейтинг компанияси).
64. <http://www.ankil.ru> (Россия Федерациясининг консалтинг фирмаси).
65. <http://www.znay.ru> (Россия Федерациясининг суғурта сайти).